O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **17** февраль, жума № **7** (2134).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **17** февраля, **2006** год, № **7** (2134).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

... Баён қилинган энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларни амалга оширишдан асосий мақсад — аввало, иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб беришдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

— 2005 йил якунлари ҳақида гапирар эканмиз, — деди Президентимиз,— шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ўтган йилда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичларига эришилди, аксарият кўрсаткичларнинг эса сезиларли даражада ошириб бажарилиши таъминланди.

Ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси эса 7,8 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,2 фоизга ўсгани қувончли ҳол, албатта.

2005 йил давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан кутилган 1 фоиз тақчиллик ўрнига 0,1 фоиз профицит билан бажарилди, унинг даромад қисми эса прогноз кўрсаткичларидан 39 фоиз зиёд бўлди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йилда тадбиркорлик учун қулай муҳитни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Ягона солиқ тўлови жорий этилиши туфайли солиқ идораларига тақдим этилиши зарур бўлган ҳисоботлар сони 10 марта қисқарди. Натижада рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 31,5 мингта кўпайди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳисобот даврида иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш борасида кўрилган қатъий тадбир ва чоралар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг таркибига ижобий таъсир кўрсатди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланди. Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини либераллаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди.

Яна бир муҳим йўналиш — давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилда демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилди. Шунинг эвазига мамлакат иқтисодий тараққиётининг барқарор суръатлар билан юксалиши, аввало, ялпи ички маҳсулот ва инвестицияларнинг ўсишида, ташқи савдо соҳасида катта ҳажмда ижобий сальдога эришишда, давлат бюджетини профицит билан бажаришда, кўпгина социал муаммоларни ечишда сезиларли натижалар қўлга киритилди.

— Ўтган йил якунлари бизга мамнуният, ғурур ва ифтихор бағишлайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Ватанимиз учун мураккаб келган йилда шундай салмоқли натижаларга эришган халқни енгиб бўлмайди. Юртимизда жорий йилда ҳам ана шу тараққиёт суръатлари барқарорлик касб этиши шубҳасиз.

Президентимиз 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари хусусида атрофлича тўхталди.

Мажлисда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г.Саидова, молия вазири Р.Азимов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О.Обидов, адлия вазири Б.Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов, Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусеновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

НАВОЛАРГА АЙЛАНГАН КЎНГИЛ

Бобомнинг зардаси биз ўйинқароқларнинг шовқинини босиб кетди. Аллақандай қўшиқни деб бизга бақирганларини ҳазм қилолмай анграйиб қолибмиз.Ўшанда болаларча ҳайратим жавобсиз қолганди.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай яна ўша таниш ҳайрат мени лол қолдирди. Ўша кун бобомнинг юм-юм йиғлаётганини ҳам, дардларини қўшиқ қилиб айтаётганини ҳам билолмай анграйдим. Ҳатто унга қараб туриб менинг ҳам хўрлигим келиб кетди. Йиғлаётиб, ора-сира «Комилжон», «Комилжон» деганларини тушундим, холос. Кейинчалик бу машъум лаҳза элимизнинг таниқли ҳофизи Комилжон Отаниёзов оламдан ўтган кун эканлигини билдим.

Ҳайратим билан бирга улғайдим. Энди айрим нарсаларнинг моҳияти, ранги, мазмунини англай бошладим. Аммо куй-қўшиққа, машҳур ҳофизга бўлган шунчалар кучли меҳр-муҳаббат сабаб ҳосил бўлган ҳайратга узил-кесил жавоб топа олмадим. Ижодкорман, шу боисдан изландим.

(Давоми 7-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ҚАЛЪА ДАРВОЗАЛАРИ

Қадимий обидаларимиз, осори-атиқаларимизда миллийлигимиз, бой маънавиятимиз акс этиб туриши маълум. Масалан, дарвозаларни олинг. Улар қадим-қадимдан иморатларимиз салобати, кўркини кўз-кўз қилиб турган. Аммо дарвозалар фақаттина ана шу мақсадда қурилмаган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада бу хусусда фикр юритилади.

Хоразм воҳасида иморатлар дарвозасиз қурилмайди. Мозийдан қолган ушбу анъана ҳаётий эҳтиёж тақозоси эканига шак-шубҳа йўқ.

Дарвозалар одатда ўйма қалин ёғочдан, учи найзасимон қаттиқ металлдан, нақшли ислимий гулли мис ёки тилло қопланган жисмлардан ҳам ясалади.

Дарвозалар тарихнинг қайси даври маҳсули эканига оид баҳслашувлар эса аҳли донишлар ўртасида неча ўн йиллардан буён давом этиб келади. Бировлар уни ибтидоий жамоа даврининг мероси дейишса, яна бировлар қулдорлик ёки илк феодаллик тузумининг ҳарбий-мудофаа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳимоя воситаси, дея сўз юритадилар.

(Давоми 7-бетда).

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимиздан кўзда тутилган мақсад — иқтисодиётимизни ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича 2005 йил якунларини муҳокама этиш, эришилган натижаларни танқидий баҳолаб, 2006 йилдаги асосий устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб олишдан иборат.

2005 йилнинг якунлари ҳақида гапирар эканмиз, шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ўтган йилда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичларига эришилди, аксарият кўрсаткичларнинг эса сезиларли даражада ошириб бажарилиши таъминланди.

2005 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси эса 7,8 фоизни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,2 фоизга ўсгани қувончли ҳол, албатта.

2005 йил давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан кутилган 1 фоиз тақчиллик ўрнига 0,1 фоиз профицит билан бажарилди, унинг даромад қисми эса прогноз кўрсаткичларидан 39 фоиз зиёд бўлди.

Ялпи ички маҳсулотнинг барқарор суръатда ўсиб бораётгани, сўнгги икки йилда бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан ортаётгани айниқса диққатга сазовор. Иқтисодиётнинг ўсиш кўрсаткичи 2000 йилга нисбатан 30,1 фоизни, 1991 йилга таққослаганда эса 28,2 фоизни ташкил этмоқда.

Бир масалага эътиборингизни алоҳида жалб қилмоқчиман.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон эришаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манба ва омиллари тариқасида дунё хомашё ва товарлар, аввало, нефть ва газ бозорларида мавжуд бўлган қулай конъюнктура ва қандайдир ташқи омиллар кўмаклашиб тургани йўқ.

Иқтисодиётимизда эришилган натижалар негизида аввало бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганини кузатиш қийин эмас.

Рухсатингиз билан 2005 йилда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш — иқтисодиётни тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш.

Бу борадаги ҳаракатлар аввало иқтисодиётда макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодий ўсишда етакчи ўрин тутиши лозим бўлган ишлаб чиқариш, соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ва бошқа ўта муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Муштарийларимизга

ЯКУНЛАР ҚУВОНАРЛИ, ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Маълумки, шу йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Президентимиз ўз маърузасида 2005 йилда барча соҳада эришилган ютуқларимиз борасида батафсил тўхталди.

Иқтисодиётимизда эришилган натижалар негизида аввало бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турибди.

Юртбошимиз 2006 йилда олдимизда улкан марралар, вазифалар турганлигини кўрсатиб берди.Булар: бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бандлик масаласи, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захирасини тежаш, уй-жой-комунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, энергия ресурслари тежамкорлиги вазифаларидир.

Ушбу устувор вазифаларни бажариш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига, қолаверса, биз ҳарбийларга ҳам тегишлидир. Ватанни юрагига жо қилган ҳар бир одам юртим деб, элим деб ёниб яшамоғи, ҳар бир ишда фидойи бўлмоғи зарур. Ана шунда мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади, иқтисодиётимиз янада ривож топади, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Президентимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини, унда олдимизга қўйилган устувор вазифаларни ҳар бир аскар, сержант, офицер, Қуролли Кучлар хизматчиси чуқур ўқиб-ўрганмоғи, ўз бурчини ҳалол, виждонан бажариши орқали ҳисса қўшмоғи зарур.

Ватан ҳимоячисининг вазифаси аниқ: Мустақилликни, она юртни, бунёдкор халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли қўриқлашдир.

ТАҲРИРИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2005 йил мамлакатда демократик янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2005 йилда қуйидаги сифат силжишлари юз берди.

Биринчидан, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз параметрларга эришилди, уларнинг кўплари бўйича эса анча ошириб бажариш таъминланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети кутилаётган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манбалари қулай ташқи омиллар ҳамда углеводород хом ашё ва ресурсларга жаҳон нархлари эмас, балки биринчи навбатда бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатли дастури натижалари бўлганлиги ўзига эътиборни жалб этади.

(Давоми 4-бетда).

К нашим читателям

ИТОГИ РАДУЮТ, ЗАДАЧИ ЯСНЫ

Как известно, 10 февраля сего года состоялось заседание Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвященное подведению итогов социально-экономического развития страны в 2005 году и основным направлениям углубления экономических реформ в 2006 году.

На заседании выступил с докладом Президент Узбекистана Ислам Каримов.

Президент в своем выступлении подробно остановился на весомых успехах минувшего 2005 года. В основе достигнутых в экономике результатов находится, прежде всего, хорошо продуманная модель модернизации государства в русле рыночной экономики, а также системные, твердые и последовательные действия, направленные на поэтапное претворение в жизнь долгосрочной программы преобразований.

Глава государства также указал на большие рубежи и задачи, которые стоят перед нами в 2006 году. Это задачи по углублению реформ в бюджетной и налоговой сферах, дальнейшей модернизации экономики, расширению отраслей частной собственности, решению проблем занятости, всестороннему поощрению экспорта и экономии валютных резервов, реформ жилищно-коммунального хозяйства, сбережения энергетических ресурсов.

В деле решения этих основных задач неоценим вклад каждого гражданина Узбекистана, в том числе и нас, военнослужащих. От каждого человека, живущего с чувством любви к Родине в сердце, требуется проявление самоотверженности и полной самоотдачи на вверенном ему участке. Только тогда наша независимость еще больше укрепится, экономика будет развиваться, наша жизнь станет еще благополучней.

Каждому солдату, сержанту, офицеру, служащему Вооруженных Сил надо глубоко изучить смысл и значение доклада Президента, поставленных в нем перед нами первоочередных задач, с тем чтобы честным и добросовестным исполнением своего долга внести свой вклад в их выполнение.

Главная же задача защитников Родины предельно ясна: надежно охранять независимость, мирный труд нашего народа-созидателя.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ПРАВОВАЯ БАЗА СОТРУДНИЧЕСТВА БУДЕТ УКРЕПЛЯТЬСЯ

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов 13 февраля принял в резиденции Оксарой Председателя Государственной Думы Федерального собрания Российской Федерации Бориса Грызлова. Руководитель нашей страны выразил удовлетворение по поводу последовательного развития сотрудничества между Узбекистаном и Россией в соответствии с принципами союзнических отношений.

— Сотрудничество между Узбекистаном и Россией развивается ускоренными темпами, — сказал Ислам Каримов. — В этом одинаково заинтересованы обе страны. Проведенные в последнее время встречи, подписанные документы свидетельствуют о том, что партнерство Узбекистана и России основывается на взаимодоверии и взаимозаинтересованности. Следует отметить, что важную роль в этом процессе играет и развитие контактов между парламентами двух стран. Визит Б. Грызлова в Узбекистан служит тому еще одним подтверждением. Этот визит свидетельствует также о начале практической работы по дальнейшему укреплению связей по линии высших законодательных органов наших стран. Во время беседы в резиденции Оксарой состоялся обмен мнениями по вопросам, связанным с дальнейшим расширением правовой базы узбекско-российских отношений, а также с договорными и правовыми процессами, которые должны быть налажены в рамках Евразийского экономического сообщества в связи с вступлением Узбекистана в эту структуру. Б. Грызлов выразил Президенту Узбекистана благодарность за теплый прием.

УзА.

5 ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН
УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

6 ЭРКЛИ ЭЛНИНГ ҚАНОТЛАРИ, ИЛМ ИСТАНГ!
ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАН

7 МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА
ТАРБИЯ – КЕЛАЖАК МАЁҒИ

8 ШОИР ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИБ
ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз учун устувор бўлган мазкур вазифанинг аҳамиятини яна, шу билан изоҳлаш лозимки, ички ва ташқи инвестицияларни киритишни талаб этадиган таркибий ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, хомашё етиштиришга йўналтирилган бирёқлама иқтисодиётдан халос бўлиш, том маънодаги иқтисодий мустақилликка эришиш мумкин эмас.

Кўрилаётган қатъий тадбир ва чоралар, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг таркибига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Етакчи соҳаларимиздан бўлмиш саноатнинг улуши 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 2005 йилда 20,7 фоизни ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, бу тармоқ ҳам жадал ривожланмоқда. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 38,5 фоиздан ошгани, жумладан, коммуникация, транспорт ва алоқа тармоқлари бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми беш йил мобайнида бир ярим баравар ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айниқса, кейинги йилларда телекоммуникация алоқаси ва молия-банк тизимида хизматларнинг янги турлари тез суръатлар билан ривожланаётгани эътиборга сазовор.

Сўнгги беш йилда суғурта хизматлари ҳажми 5 марта, лизинг операциялари деярли 6 марта, аудиторлик хизмати кўрсатиш, пул билан ҳисоблаганда, тахминан 9 марта ўсгани, табиийки, салмоқли натижа сифатида баҳолашга арзийди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши енгил саноатнинг жадал суръатда ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бу тармоқда 2005 йилда ўсиш суръати 2004 йилга нисбатан 12 фоизни ташкил этгани, шу жумладан, тўқимачиликда 17 фоиз, тикувчиликда 24,5 фоиз, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 53 фоиз ўсиш кузатилганини қайд этиш зарур.

Замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарнинг ишга туширилиши, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши, жаҳон бозорига рақобатга бардошли тайёр енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг сезиларли даражада ортиб бораётгани — буларнинг барчаси мазкур жараённинг таркибий қисмларидир.

Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли, айниқса хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда.

2005 йилда четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоизга ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилаётган ютуқларнинг муҳим натижаси, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айни пайтда умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди.

Бу эса, ташқи савдода мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич — 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришиш имконини берди. Натижада мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси 1,3 марта кўпайди, бу эса, аввало, иқтисодиётимизнинг ташқи бозор ўзгаришларига барқарорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида юз бераётган сифат ўзгаришларини баҳолаш учун эътиборингизни яна бир мисолга қаратмоқчиман. Агарки яқин-яқинларгача, яъни 2000 йилда экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси 27,5 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этганининг ўзи кўп нарсани билдиради, деб ўйлайман.

Шу даврда импортнинг таркиби ҳам ўзгариб, мамлакатга олиб кирилаётган умумий маҳсулот ҳажмида техника ва ускуналар улуши 44 фоиздан ортгани айниқса эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларининг сифат жиҳатидан юксалиши кўп томондан инвестиция ҳажмидаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоиздан ошди.

Марказлаштирилган ҳолда маблағ билан таъминлаш ҳажми қисқараётган бир пайтда корхоналар ва аҳолининг хусусий маблағ-қўйилмалари кескин ошиб бормоқда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тижорат банклари ресурслари фаол жалб этилмоқда.

Буни 2005 йилда номарказ инвестиция манбалари улуши 76,6 фоизни ташкил этгани, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса қарийб 1,5 баробар кўпайгани ҳам кўрсатиб турибди.

Диққат марказимизда бўлиб келган иккинчи масала бу — иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан боғлиқ.

Бу борада асосий эътибор солиқ юкини камайтириш, солиқ-бюджет сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришдек аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга қаратилганини таъкидлаш жоиз.

2005 йилда юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкаси 18 фоиздан 15 фоизга туширилди, бу эса қарийб 40 миллиард сўмлик маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоизгача қисқартирилди, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ўзгартирилди, мулк солиғи ставкаси эса 3,5 фоизгача камайтирилди.

Амалда жами 15,2 фоизни ташкил этган солиқ ва тўловлар ўрнига 13 фоиз миқдоридаги ягона солиқ тўловининг жорий этилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда айниқса кичик корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўз навбатида кичик корхоналарга фақат 2005 йилнинг иккинчи ярмида қарийб 10 миллиард сўм маблағни тежаш имконини берди.

Солиқ юкини камайтириш борасида кўрилган чоралар туфайли давлат бюджетига тўпланаётган киримлар, яъни фискал чегирмалар 22,6 фоизгача қисқартирилди.

Натижада корхоналар ихтиёрида қолдирилган 130 миллиард сўмдан зиёд пул уларнинг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилди ва молиявий аҳволини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Нақд пул олишдаги чекловларнинг бекор қилиниши ва бу борадаги талабларга банклар томонидан қатъий риоя этилиши, нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши банк-кредит тизимини либераллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Тижорат банклари учун уларнинг Марказий банкдаги корреспондентлик ҳисоб рақамларидан чекловсиз фойдаланиш имконияти яратилгани, шунингдек, нақд ва нақд бўлмаган пул айланмаларини унификация қилиш бўйича кўрилган кейинги чора-тадбирлар, нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг илғор шакли бўлган пластик карточкаларнинг амалиётда кенг жорий этилиши туфайли ўтган йилда бундай карточкаларнинг сони тахминан беш баробар ортгани муҳим аҳамиятга эга, албатта.

2005 йилда биз ташқи савдони либераллаштиришда, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашув борасида янада салмоқли натижаларга эришдик.

Бунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини божхона тарифлари орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш, божхона тўловларини унификация қилиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар катта роль ўйнади.

Учинчидан — 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини либераллаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб катта бўлган моддий ресурслардан фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шакллланди.

Биржа савдоларидаги айланма маблағлар ҳажми 2001 — 2005 йиллар мобайнида 5,5 баробар ортди. Ҳозирги кунда улгуржи савдо айланмасининг учдан бир қисми биржа савдолари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 8,5 фоиздан иборат бўлган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биржа савдоларида маҳсулот савдосидан энг кўп фойдани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари товар-моддий ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжининг қарийб 70 фоизини биржа савдоларида қилинаётган харидлар ҳисобидан таъминламоқда.

Барчамизга маълумки, 2005 йилда Тошкентда биринчи бор ўтказилган Халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу анжуманда дунёнинг 26 мамлакатида фаолият кўрсатаётган 200 та хорижий компаниянинг 340 нафар вакили иштирок этди. Ярмарка натижаларига кўра, пахта хомашёсини харид қилувчи Хитой, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сингапур, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан 122 та шартнома тузилди.

Ярмарка пахта маҳсулотини сотиш ва уни қайта ишловчиларга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бериш механизми янада эркинлашишига, харидор мамлакатлар географиясини кенгайтиришга имкон берди.

Тошкентда ўтказилган ярмарка Ўзбекистон дунёда пахта толасини ишлаб чиқарадиган етакчи давлатлардан бири сифатида жаҳон пахта бозорида фаол роль ўйнаши мумкинлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

Тўртинчидан — хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди.

2005 йилда давлат корхоналарини бутунлай, шунингдек, давлат акция пакетларини асосан хусусий мулкдорларга сотиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлантирилди. 2000-2005 йиллар давомида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилди.

Масалан, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, "Оҳангаронцемент", "Бухорогипс", "Паркентсувқурилиш" акциядорлик жамиятлари каби йирик корхоналар тўлиғича хусусий мулкдорларга сотилди.

Хусусийлаштириш жараёнининг сўнгги йиллардаги ўзига хос жиҳати давлат активлари ва акция пакетларининг нолга тенг харид қиймати бўйича тўлиқ ҳажмда сотилаётганида намоён бўлмоқда.

Кейинги уч йил мобайнида 396 та корхона ва объект 43,2 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан нолга тенг харид қийматида сотилди. Низом жамғармасида давлат улуши бўлган хўжалик субъектлари сони 2001 йилдагига нисбатан уч баробар қисқарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 76 фоизи, саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектор улушига тўғри келмоқда. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, **2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди.**

Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилди. 2005 йилнинг ўзида кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингтадан ортди.

Ҳозирги кунда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Бугун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва биринчи галда қишлоқда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз фермер хўжаликларида бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хомашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Бешинчидан — 2005 йилда давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Текширувлар сони 2001 йилдагига нисбатан 2,5 баробардан кўпроқ камайди.

Илгари хўжалик субъектлари томонидан топширилган давлат статистик ҳисоботларининг умумий сони икки баробар, ойлик ҳисоботлар сони эса 5 баробарга қисқарди, рухсат бериш билан боғлиқ 12 та процедура бекор қилинди, ҳисобот маълумотларини ноқонуний талаб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ягона солиқ тўловларининг жорий этилиши муносабати билан солиқ идораларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоб-китоблари бўйича ҳужжатлар сони 10 баробар қисқарди.

Назорат идораларининг хўжалик субъектлари ва тадбиркорлик объектларини текшириш натижалари бўйича қабул қилган барча қарорларини суд идоралари орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилди.

Бундай тартиб ўз-ўзича мазкур субъектларга нисбатан турли санкцияларни қўллашни ҳам тубдан ўзгартириш, яъни уни суд қарори билан ўрнатишни белгилаб беради.

Шундай қилиб, хўжалик субъектлари фаолиятидаги ўзаро масала ва талабларни турли даражадаги давлат бошқаруви идораларида кўриш ва ҳал қилиш каби ўз умрини ўтаб бўлган амалиётга бутунлай барҳам бериш борасида қатъий қадамлар қўйилди. Бугун бундай масалалар, ҳуқуқий демократик давлатларда бўлганидек, истисносиз равишда суд орқали ҳал этилади.

Сўнгги йилларда хўжалик судлари тизими анча мустаҳкамланди, умумий юрисдикция судларининг функциялари фуқаролик ва маъмурий-жиноий ишлар бўйича алоҳида ажратилди.

Шу борада хўжалик судларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2001 — 2005 йилларда улар томонидан кўрилган ишлар сони 3,7 баробар, жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ишлар сони 4 баробардан кўпроқ ошгани ҳам шундан далолат беради.

Кўрилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик субъектлари фойдасига ҳал қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақат 2005 йилнинг ўзида уларнинг фойдасига 45 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашувни чеклаш масалаларини ҳал этишда биз **маъмурий ислоҳотларни амалга оширишга** алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш масалалари эски замон иллати бўлган бюрократик бошқарув тизимини бартараф этиш билан бевосита боғлиқ эканини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Тан олиш керакки, республикада амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар марказ ва жойлардаги бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштиришга сезиларли таъсир қилди, бошқарув ходимлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни анча қисқартириш имконини берди.

2001 — 2005 йиллар мобайнида бошқарув ходимларининг умумий сони 75 минг кишига ёки 35,5 фоизга, жумладан, республика органлари бўйича 21 фоиз, маҳаллий бошқарув органлари бўйича 63,5 фоиз, хўжалик бошқарув органлари бўйича 30,5 фоизга қисқартирилди.

Лекин бу тизим, кўрилаётган кескин чораларга қарамасдан, афсуски, ҳали-бери ўзининг салбий кучи ва таъсирини йўқотгани йўқ. Афсуски, кўпчилик олиб борилаётган маъмурий ислоҳотларни ҳанузгача бошқарувчилар сонини шунчаки қисқартиришдан иборат, деб нотўғри тушунмоқда.

Маъмурий ислоҳотларнинг натижалари авваламбор бошқарув тузилмаларининг маъно-мазмуни ва мақсадларининг ўзгариши, уларнинг бошқарув ва назорат ваколатларининг кескин қисқартирилиши, керак бўлса, барҳам топиши, шунингдек, хўжалик субъектларининг ишига ноқонуний аралашувга, уларнинг фаолиятини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик билан узвий боғлиқ.

Буни барча бўғиндаги, айниқса, марказда ва вилоятларда лавозимда ўтирган каттакичик раҳбарлар аниқ тушуниб олиши ва ҳаётга қатъий татбиқ этиши зарур.

Иқтисодиётимиздаги сифат ўзгаришлари, бозор ислоҳотлари йўлидан илгари бориш ҳақида гапирганда яна бир бор таъкидламоқчиман: биз ислоҳотларни шунчаки ислоҳот учун амалга оширмаяпмиз. **Ислоҳотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.**

2005 йилда бюджет соҳаси хизматчиларининг ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Ўз навбатида, бу аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

Одамларнинг дунёқараши, менталитети ўзгариб, улардаги ижтимоий боқимандалик ва фақат давлатдан ёрдам кутиб яшаш кайфияти барҳам топмоқда.

Хусусийлаштириш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш ҳисобидан мамлакатимизда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф амалда шакллланмоқда.

Биринчи навбатда бу — ўз кучи ва имкониятига таянибсуяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлардир.

Айнан ана шундай одамлар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади. Чунки айнан шулар демократик ва бозор ислоҳотларини давом эттириш ва чуқурлаштиришдан, мамлакатни барқарор ва изчил ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдор эканини таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг 2005 йилдаги иқтисодий ривожланиш натижаларини якунлар эканмиз, лўнда қилиб айтганда, шуни таъкидлаш керакки, **ўтган давр мобайнида демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан қадамлар қўйилди.**

Шунинг эвазига иқтисодий тараққиётимизнинг барқарор суръатлар билан юксалиши, аввало ялпи ички маҳсулот ва инвестицияларнинг ўсишида, ташқи савдо соҳасида катта ҳажмда ижобий сальдога эришишимизда, давлат бюджетини профицит билан бажаришда, кўпгина социал муаммоларни ечишда сезиларли натижаларни қўлга киритдик.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Энди мамлакатимизни 2006 йилда иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва мақсадларимиз, бошлаган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

2006 йилда **иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш** масалалари доимий диққат марказимизда бўлмоғи даркор.

Бу аниқ мақсадли вазифани амалга ошириш учун 2006 йилда ялпи ички маҳсулотни 7,2 фоизга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 6 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 2006 йилда иқтисодий ривожланиш, авваламбор, саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш (9 фоиз), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (5,2 фоиз), хизмат кўрсатиш соҳаси (13,2 фоиз) ва савдонинг (8,5 фоиз) ўсиши ҳисобига таъминланади. Йил давомида инфляция даражасини чеклаш ва унинг 6-8 фоиз даражада бўлишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда, **биринчидан, бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш мўлжалланмоқда.**

Бу мақсадга эришиш учун 2006 йилда даромад солиғи ставкалари сезиларли даражада — 15 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 25 фоизгача камайтирилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорига қизиқишни орттириш ва унинг иштирокчилари даромадларини кўпайтириш мақсадида дивидендлар ва фоизлар бўйича даромад солиғи 15 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Экология солиғи ва савдо қилиш ҳуқуқи учун ойлик йиғим бекор қилинди. Бундан ташқари, солиққа тортиладиган базадан ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор харажатлар чиқариб ташланди.

Бу соҳада кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, корхоналар ва хўжалик тузилмалари ихтиёрида қўшимча 250 миллиард сўм маблағ қолади. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, инвестиция мақсадлари ҳамда ходимлар иш ҳақини оширишга йўналтирилиши тавсия қилинади.

Солиқ юкини сезиларли равишда енгиллаштириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришни фаоллаштиришнинг муҳим омили бўлмиш харид талабининг жадал ўсишини таъминлашдир.

Бу ҳақда гапирганда, биз нафақат аҳоли талабини назарда тутамиз, балки корхоналар ва тадбиркорлик тузилмалари айланма маблағлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига харид талабининг ўсишини ҳам инобатга оламиз. Умумий талабнинг ўсиши деярли барча товарлар, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ошириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратади. Шу борада аввало ишчиларнинг иш ҳақи, аҳолимизнинг даромадлари ўсишини таъминлашимизни кўзда тутамиз.

2006 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг икки босқичда оширилиши кўзда тутилган.

Бунинг натижасида ўртача ойлик иш ҳақининг 1,4 маротаба ошиши таъминланади. Худди шундай миқдорда нафақа, пенсиялар, стипендия ва бошқа ижтимоий кўмаклар ҳам кўпаяди.

Кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, шунингдек, касаначиликни кенгайтириш аҳоли даромалларининг ўсишида муҳим омил бўлади.

Буларнинг барчасини инобатга олганда, аҳолининг реал пул даромадлари, ҳисоб-китоблар бўйича, камида 20 фоизга ўсиши керак.

Биз тадбиркорликнинг мана шу йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўришимиз, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг механизмлари ва ҳажмини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Шу мақсадлар учун хизмат қиладиган "Микромолиялаш тўғрисида" қонун қабул қилишни тезлаштиришимиз зарур.

Мазкур вазифани амалга оширишнинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил қилиниши ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаш ва микролизинг бўйича турли хизматлар кўрсатиши даркор. Бундай банкни ташкил қилишга жорий йилнинг биринчи чорагида киришиш лозим.

Бу борада ечилиши зарур бўлган энг муҳим масала — банкнинг устав фондини ташкил қилиш учун унинг манбаини топиш, кредит процентини 5 фоиздан оширмаслик ва бериладиган кредитларни қайтариш кафолатларини аниқлаш ва ишга солишдан иборат.

Харид талабини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун аҳолига, айниқса қишлоқ аҳолисига кредит ажратишни кескин кўпайтиришимиз керак. Ҳозирги вақтда фақат енгил автомобиль харид қилишни кредитлаш кенг қўлланмоқда, холос.

Айни пайтда мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари, мураккаб маиший ва бошқа электрон техникани сотиб олиш учун кредит ажратишнинг талай имкониятлари мавжуд.

Барча банкларнинг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтириш лозим. Марказий банк тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда, бир ой муддатда, аввало ўзимизда ишлаб чиқариладиган, узоқ муддат фойдаланадиган товарларни харид қилиш учун аҳолига кредит ажратиш ва олинган кредитларни қайтаришни кафолатлаш чора-тадбирлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Олдимизда турган бундай вазифаларни бажариш, иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришимиз ва кенгайтиришимиз даркор.

Бугунги кунда банклар фаолияти хўжалик субъектлари, кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлаётганини очиқ тан олишимиз лозим.

Банк тизимида пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъминлашнинг замонавий воситалари, шунингдек, бошқарув механизмларининг бозор ва монетар агрегатларидан суст фойдаланилмоқда.

Банкларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасидаги вазифалар етарли даражада бажарилмаяпти.

Марказий банк ва тижорат банклари биринчи навбатда мижозларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пулларининг ҳеч қандай қийинчиликсиз бемалол берилиши, нақд ва нақд бўлмаган пул муомаласини тўлиқ унификация қилиш ҳисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этмоғи зарур.

Банкдан ташқари, пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Банклараро бозорда рақобат муҳитини яратиш, банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур.

Барчамиз бир фикрни тушуниб олишимиз керак: кутилаётган иқтисодий ўсиш бизнинг бюрократик тўсиқларни, бизнес юритишда хавф етказаётган барча сабабларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш борасидаги ишларимиз билан чамбарчас боғлиқ. Шу борада маъмурий ислоҳотлар доирасида лицензиялар ва турли рухсатномалар беришни кескин қисқартиришни давом эттириш лозим.

(Давоми 3-бетда).

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда амалдаги рўйхатга олиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатнома бериш тизимини яна бир бор чуқур инвентаризация қилсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига янги корхоналар ва бизнес ташкилотларини рўйхатга олишнинг аксарият ҳолларда хабардор қилиб қўйиш тизимига ўтиш бўйича таклифлар киритсин.

Иккинчи муҳим устувор йўналиш — таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг қўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Биз 2006 йилда нефть-газ мажмуида, электр энергетикаси ва рангли металлургия соҳасида ишлаб чиқаришнинг барқарор ҳажмларини таъминлашимиз керак. Машинасозлик, енгил саноат, биринчи галда, ип-газлама ва тикувчилик саноатини янада юқори суръатлар билан ривожлантириш зарур.

Бу устувор вазифани амалга ошириш натижасида иқтисодиёт таркибида сифат ўзгаришларини таъминлаш, яъни 2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан, қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич 24-26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш даркор.

Бизнинг фаолиятимизда углеводород хомашё захираларининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, энергетика мажмуасига қарашли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган геологик қидирув ишларини жадал ва кенг қўламда олиб бориш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашуви ва таркибини такомиллаштириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бу борада маҳаллий хомашёни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ва рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этишга устувор аҳамият беришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда замонавий ишлаб чиқариш яхши ривожланмаган аҳоли пунктларида кичик корхоналар ёки маҳаллий хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш борасида махсус дастур ишлаб чиқиши лозим.

Бу дастурда мазкур субъектларга бериладиган имтиёз ва қулайлик тизимини, жумладан, бундай кичик корхоналарни ривожлантириш учун биноларни нолга тенг қиймат бўйича бериш имтиёзларини кўзда тутиш зарур.

Шу борада янги қўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг қўламда жалб этиш нақадар катта аҳамиятга эга эканини барчамиз тушуниб олишимиз керак.

Ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, белгиланган имтиёз ва қулайлик қўллашнинг аниқ ва ошкора механизмини яратиш, чет эл ишбилармон доиралари ва салоҳиятли ҳамкорларга иқтисодиётимизнинг муайян тармоқларидаги инвестиция имкониятлари ҳақида ҳар томонлама кенг ахборот етказиш зарур. Энг асосийси, бюрократик тўсиқ ва ғовлар, амалдорларнинг лоқайдлиги ва коррупцияга берилиш ҳолатларидан узил-кесил халос бўлиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, бу вазифаларни ҳал қилишда яқинда ташкил этилган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг етарли даражадаги фаоллиги ҳозирча сезилмаяпти.

Учинчи устувор масала — хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Бунинг учун қандай вазифаларни амалга оширишимиз зарур?

Аввало корхоналарни хусусийлаштириш борасидаги ёндашувларни тубдан ўзгартириш керак. Айниқса, йирик корхоналар, биринчи навбатда, катта миқдордаги инвестициялар ва замонавий технологияларга муҳтож корхоналарни хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Кўпгина холдинг ва акциядорлик компаниялари устав жамғармаларида ҳали ҳам давлат акциялар пакети улуши асоссиз равишда, ҳатто бунга ҳеч қандай зарурат бўлмаса ҳам, юқори миқдорда қолаётгани билан муроса қилиб бўлмайди.

"Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг", "Ўзбекэнерго", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзбекнефтгаз" каби мамлакатимиз бозорида монопол мавқени эгаллаб турган кўплаб компанияларнинг объектларини хусусийлаштириш масалалари бўйича ёндашувларни жиддий қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Бугунги кунда Давлат мулки қўмитаси асосан майда, иккинчи даражали масалалар билан овора бўлиб, корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш, корпоратив бошқарув тизимида тегишли тартиб ўрнатиш, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг кузатув кенгашлари ролини тубдан қайта кўриб чиқиш ва фаолиятини кучайтириш бўйича муҳим стратегик йўналишларда ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаётганига чидаб бўлмайди.

Қимматли қоғозлар бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган самарали стратегияни ишлаб чиқиш, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошкоралик тамойилларини кескин кучайтириш керак.

Ҳар бир корхона ва объектни биржа ва биржадан ташқари савдода сотиш учун тайёрлаш механизмини қайта кўриб чиқиш лозим. Бу борада янги, самарали тизимни жорий этиш, хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишда тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини бажариш учун уларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш зарур.

Давлат мулки қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2006 – 2008 йилларга мўлжалланган янги хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Ушбу дастурга табиий монополияларнинг стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарини киритиш ҳамда инвестор томонидан муайян инвестиция мажбуриятларини зиммасига олиш шарти билан, нолга тенг харид қиймати бўйича савдога қўйилаётган корхона ва объектлар рўйхатини сезиларли даражада кенгайтириш керак.

Хусусийлаштириш жараёнида ўз ечимини кутаётган бир қатор принципиал масалалар кун тартибига қўйилиши лозим.

Биринчидан. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда инвесторлар — хусусий мулкдорларга бинолар ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига хусусийлаштириш объектларини кенгайтириш имкониятлари юзасидан таклифларни кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ер участкаларининг нархи қатъий бозор ёндашувларидан келиб чиқиб белгиланмоғи лозим. Бугунги кунда кўпгина хусусийлаштирилган объектлар, мол-мулкнинг нархлари атиги бир неча миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, ўнлаб гектар ер майдонларини эгаллаб олган.

Бундай ер участкаларининг катта қисми янги мулкдорлар томонидан умуман фойдаланилмаяпти, чунки бу ерлар уларга муддатсиз фойдаланиш учун бепул берилган.

Иккинчидан. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини белгиланган меъёрлар доирасида ажратиш ҳисобига хусусийлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга эришиш мумкин. Бу хусусий ва оилавий бизнесни янада кенгайтиришнинг гарови, ипотеканинг бошқа шаклларини ривожлантиришнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда амалда мавжуд бўлган, лекин давлатнинг назоратидан четда қолаётган кўчмас мулк ва бундай мулк жойлашган ер участкалари бўйича савдо айланмасининг қонунийлиги ва ошкоралигини таъминлайди.

Учинчидан. Хусусий бизнес кафолатларини мустаҳкамлаш, унинг ривожи учун қулай муҳит яратиш мақсадида давлат бошқаруви идоралари ва бозор институтларида **маъмурий процедураларни бажариш билан боғлиқ, ҳали-бери анча юқори бўлиб келаётган бизнес харажатларини камайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим.**

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси, юқорида қайд этилган маъмурий процедураларни бажарувчи вазирлик ва идоралар билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелига қадар бу борадаги мавжуд ҳолатни таҳлил этсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига шу ҳақда аниқ таклифлар киритсин.

Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик субъектлари учун жарима санкцияларини камайтиришни кўзда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказиш керак. Нега деганда, ўта юқори даражада белгиланадиган жарима санкциялари баъзан текширувчилар орасида коррупция ҳолатларига сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас.

во-вторых, по обеспечению оптимального бюджетного планирования и его распределению по подведомственным подразделениям с учетом приоритетов, определенных на перспективное развитие;

в-третьих, по совместной работе с контролирующими органами на основе координации действий по профилактике правонарушений и сохранности материальных ресурсов и денежных средств;

в-четвертых, по разработке программы мер по режиму экономии коммунальных расходов, горючесмазочных материалов и изысканию дополнительных источников пополнения бюджета Министерства обороны.

И самая главная задача – укрепляя боеготовность подразделений и частей, совершенствуя формы и методы боевой подготовки личного состава, – обеспечить мир и спокойствие на нашей земле, мирный созидательный труд наших граждан.

На выполнение этих задач будут направлены усилия всех структур Министерства обороны Республики Узбекистан.

Шухрат АБДУЛЛАЕВ,
заместитель министра обороны Республики Узбекистан – начальник финансово-экономического управления.

Долзарб мавзудаги анжуман

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Светлана ИНОМОВА, Республика Бош вазири ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси.

Қуддус АЪЗАМОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари.

Марказий офицерлар саройида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 13 январдаги Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида белгилаб берилган йўналишлар асосида мамлакат Қуролли Кучларини ислоҳ қилишни давом эттириш бўйича вазифалар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги муҳим бир дастуриламал ҳужжатдир. Ўзини Ватан, халқ тақдирига, унинг тинчлигиосойишталигига бефарқ билмаган инсон борки, табрик сўзлари қалбларида, юракларида акс-садо берди. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги қатъиятини, шижоатини янада алангалатди.

Ислоҳотлар миллий армиямизни чин маънодаги ҳаёт мактабига, йигитлик мактабига айлантирганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш ёшларимиз учун фахр, ғурур, шонш-шараф ишига айлангани ана шундан. Табрикда ҳам бу борада алоҳида таъкидланиб, армияда ёшларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний, маънавий жиҳатдан тобланишаётгани, ҳаётий қарашлари шаклланаётгани, Ватан ҳимояси йўлида доим тайёр турадиган мардлар бўлиб етишишаётгани айтиб ўтилган. Ҳа, эзгу мақсадлар замиридаги ниятларимиз ўз самарасини берятпи.

Маълумки, табрикда Ватан ҳимоячилари олдига бир қатор масъулиятли вазифалар қўйилган. Хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, истиқлолимиз ва ҳудудий яхлитлигимизга қаратилган ҳар қандай тажовузларга муносиб зарба бера олиш, касбий малакани ошириш, юксак ахлоқий-руҳий фазилатларни, ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш, жанговар қобилият ва самарадорликни, ҳаракатчанлик ва тезкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш шулар жумласидан. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, айни пайтда жойларда Президентимиз йўллаган табрикда кўзда тутилган устувор вазифаларни бажариш, табрикнинг мазмун-моҳиятини посбонларимиз онгу шуурига янада чуқурроқ сингдириш борасида турлича тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад, Ватан ҳимоячиларининг жанговар шайлигини, касбий маҳоратини, она юртга садоқатини янада шакллантириш, демакки, миллий армиямиз кучқудратини оширишга қаратилган. Тилга олинаётган анжуман ҳам ана шулар жумласидан.

Табрик матни билан танишган киши унда давлатимиз, жамиятимизнинг тақдири, келажаги билан боғлиқ устувор масалалар илгари сурилганлигини англаб етиши шубҳасиз. Демак, уларни оғишмай ҳаётга татбиқ этиш, белгиланган вазифаларга қалб қўри билан ёндашиш юрагида Ватан туйғуси уриб турган ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Илмий-амалий конференциянинг асосий мавзуи, йўналиши ҳам ана шу устувор вазифаларга қаратилди. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг байрам табригида кўзда тутилган муҳим вазифалар нафақат ҳарбийларнинг, балки ўзини шу Ватан, шу юрт тақдирига, келажагига дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг, кенг жамоатчиликнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳам доимо диққат-эътиборида эканлигини илмий-амалий конференция яққол кўрсатди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

– Ўғлонларимизни она юртга муҳаббат руҳида тарбиялашда оналар ролини оширишимиз даркор. Шунда биз ватанпарварлик руҳидаги тарбияни шакллантирган бўламиз. Юртбошимиз байрам табригида таъкидлаб ўтганларидек, жойларда ҳокимият органлари ва жамоатчилик билан ҳарбийларимизнинг ҳамкорликларини янада кучайтиришимиз лозим.

Мудофаа вазири Р.Мирзаев ўз сўзида Президентимизнинг байрам табригидан келиб чиқадиган асосий вазифаларга эътибор қаратар экан, жумладан, шундай деди:

– хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, Қуролли Кучларимизнинг стратегияси ва тактикасини такомиллаштириш;

– армиямизнинг ташкилий қурилиши ва ҳарбий бошқарув тизимини шакллантириш борасидаги ишларимизни янада кучайтириш;

– ҳарбий хизматчиларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлашдаги стратегик мақсадимиз армиямизнинг жанговар руҳини юксак даражага кўтариш;

– ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилаш;

– қўшинларнинг юксак жанговар қобилияти ва самарадорлигини, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида уларни энг замонавий қурол-яроғ ва техника, махсус жиҳоз ва аслаҳа билан таъминлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси сифатида қараш сингари улуғвор масалаларни ҳал этишга барча куч ва билимимизни, малакамизни сафарбар этмоғимиз зарур.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов, Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедовлар эса ўз чиқишларида ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш, жанговар қобилият ва самарадорликни, ҳаракатчанлик ва тезкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ҳамда режалаштирилган ишлар хусусида фикрларини билдиришди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамовнинг маърузаси ҳам анжуман қатнашчиларида қизиқиш уйғотди. «Бир қараганда маънавият билан армия ўртасида фарқ борга ўхшайди. Аммо таъкидлаш жоизки, аскарни энг замонавий қурол-аслаҳа билан таъминласак ҳам у юксак маънавиятга эга бўлмаса, армия қудратли бўлолмайди», деди жумладан у. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ҳарбийларимиз билан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўртасида ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади. Жорий йилда 10 ёшга тўладиган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг мавқеини юксалтириш билан ёшларимиз ўртасида унга янада қизиқишни ошириш ҳақида таклифларини билдирди.

Ёзувчилар уюшмасининг раиси А.Орипов ижодкорларимизнинг ҳарбийларимиз, миллий армиямиз ҳаётини қамраб олиш борасидаги фаолиятларига танқидий баҳо берди. «Биз ҳали етарлича асарлар ёзиб беролмаяпмиз. Ҳали сиз посбонлардан қарзимиз кўп», дея сўзини давом эттирар экан, ҳар йили Зоминда ижодкорларнинг анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган кенгашига қаламкаш ҳарбийларни ҳам таклиф этиш борасидаги фикрини билдириб ўтди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими З.Мўминова Ватан ҳимоячилари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар кўламига, келгусидаги режаларга тўхталди. «Қизлар ўртасида сўровнома ўтказгандик. Буни қарангки, сўровнома иштирокчиларининг 98 фоизи ҳарбий хизматга борган йигитларга турмушга чиқишини билдиришган. Бу армиянинг ҳаёт мактаби, йигитлик мактаби эканлигига яна бир ёрқин мисол. «Оқ рўмолчам оқ кабутар бўлиб уч», деган мавзуда муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларимизга қизларимиз томонидан рўмолча тортиқ этилишини режалаштирганмиз. Ўйлайманки, бунинг ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамияти бор», деди жумладан у.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Х.Абдувалиев, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби Жанговар тайёргарлик бошқармаси бошлиғи подполковник А.Амержонов, Мудофаа вазирлиги Таъминот бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Т.Абдулазизов, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби Ташкилий-сафарбарлик бош бошқармаси бошлиғи полковник А.Мамажоновлар ҳам ўз маърузаларида Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан келиб чиқадиган устувор мақсад ва вазифаларга кенг эътибор қаратишиб, миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган муҳим ўзгаришлар, кенг кўламли ҳамкорликларга тўхталиб ўтишди.

Тадбир ниҳоясида Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган табрикда кўзда тутилган устувор вазифаларни бажариш, табрикнинг мазмун-моҳиятини посбонларимиз онгу шуурига янада чуқурроқ сингдириш борасида жойларда турлича тадбирлар, анжуманлар ўтказилиши борасида таклифлар билдирилди.

Анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.

Майор Алижон САФАРОВ.

Майор Анвар ҲАКИМОВ, қисм командирининг ўринбосари:

– Президентимиз Ватан ҳимоячиларига байрам табригида Қуролли Кучларимиз жанговар қудратини янада ошириш учун қилиниши лозим бўлган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтган эди. Бугунги анжуман ана шу вазифаларнинг бевосита ижроси йўлидаги амалий қадам бўлиб, унда армиямиз стратегия ва тактикасини такомиллаштириш, Қуролли Кучларимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшларимиз онгида ватанпарварлик, садоқат туйғуларини ривожлантириш, шу мақсадда чақирилувчилар билан иш олиб боришда юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатиш каби устувор масалалар тилга олинди. Ислоҳотлар сабаб Қуролли Кучларимиз ҳам ҳар томонлама шаклланиб бораётгани бугун барчага аён. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ҳам тадбирда иштирок этиши ва ўзаро ҳамкорлик борасида янги таклифлар билдириши халқ ва армиянинг яқдиллигини яққол ифода этиб турибди. Хизмат жойимга етиб боргач, олган таассуротларимни шахсий таркибга етказаман.

Манзурахон ЭГАМОВА, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари:

Давлатимиз сиёсатининг бош мақсади бу – тинчлик. Тинчлик устувор юртда ривожланиш барқарор бўлади. Мустақиллигимиз, осуда ҳаётимиз посбони бўлган Қуролли Кучларимиз эса халқимизнинг ишонган тоғидир. Шу сабабли Юртбошимизнинг миллий армиямиз таркибини янада мустаҳкамлаш, уни бугуннинг талаби асосида ислоҳ қилиш борасидаги фикр ва мулоҳазалари, талаблари катта аҳамиятга эга. Мана, яқинда Марказий офицерлар саройида Давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида Қуролли Кучларни ислоҳ қилишни давом эттириш борасида белгилаб берган янги вазифалари юзасидан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мен ушбу йиғиндан жуда катта таассурот билан Андижонга қайтаяпман. Чунки юртимиз мудофаасига нафақат ҳарбий соҳа вакиллари, балки барчамиз масъулмиз. Шундай экан ҳар биримиз армиямизни чин маънодаги таянчи бўлмоғимиз лозим. Бизнинг Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳам ҳарбий жамоалар билан бир қатор йўналишдаги алоқаларни йўлга қўйган.

Майор Муҳаммад ҚОРАБОЕВ, қисм командирининг ўринбосари:

Ушбу илмий-амалий конференция Қуролли Кучларимиздаги устувор мақсад, вазифаларга бағишланганлиги билан долзарб ҳамда самаралидир. Маълумки, Юртбошимизнинг миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида қаратилиши лозим бўлган йўналишлар Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида аниқ белгилаб берилган. Жумладан, ҳар бир ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, ён-атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш ва шакллантириш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга яъни, мустақил фикрга эгалик ҳамда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиши биз – тарбиячи офицерлар масъулиятини янада оширади.

ЭРКЛИ ЭЛНИНГ ҚАНОТЛАРИ, ИЛМ ИСТАНГ!

Ҳарбий таълим янгиликлари

ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАН

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида бўлажак офицерларни тайёрлаш билан биргаликда ҳарбий фан ютуқлари Қуролли Кучлар ривожига хизмат қилишига катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда мазкур ўқув даргоҳида бўлиб ўтган ҳарбий илмий-амалий анжуман фикримиз исботидир.

ЖОҲАБЮ

Бу ерда қуйидаги мутахассисликлар бўйича офицерлар тайёрланади:
– вертолёт авиацияси қўмондонлик-тактик;
– учиш аппаратлари ва двигателларидан фойдаланиш;
– учиш аппаратларининг авиацион ва радиоэлектрон жиҳозларидан фойдаланиш;
– учиш аппаратларининг авиацион қуролларидан фойдаланиш.

– Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари миқёсида ўтказилган ушбу анжуман «Авиация аслаҳасининг ривожланиш истиқболлари» мавзусига бағишланди, – дейди биз билан суҳбатда авиация аслаҳаси кафедраси бошлиғи подполковник Муҳаммадали Бекмирзаев. – Унда авиация ҳарбий қисмларининг муҳандислари иштирок этиб, қизиқарли маърузалар қилишди.

Умуман олганда, кафедрада ўқув-услубий ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, барча кўргазмали қуроллардаги ёзувларни лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига ўтказиш вазифасини бажаришга ўқитувчилар, капитанлар Икром Қўлдошев ва Фарҳод Шерхонов салмоқли ҳиссаларини қўшди. Яқин орада кафедра услубий базасини янада бойитиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, Су-25 русумли самолёт ва Ми-24 русумли вертолётларнинг мўлжалга олиш мажмуини ўрнатилиши кутилмоқда.

Ундан ташқари, кафедра ходимлари Самарқанд давлат университети олимлари билан биргаликда авиабомбанинг ҳар хил баландликда учиш траекторияси алгоритмини аниқлаш бўйича илмий ишлар олиб бормоқда. Кафедра бошлиғи подполковник М.Бекмирзаев фан номзоди унвонини ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишда.

Демак, мазкур билим юртида ўқишга кирган ёшлар курсантлик давридаёқ Ҳарбий Ҳаво Кучлари ривожига ўз ҳиссаларини қўшиши мумкин.

Ахборот технологиялари – армиямиз хизматида

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланиш анъанага айланган. Яқинда жангни моделлаштириш ва симуляция лабораториясининг фойдаланишга топширилиши ҳам билим юрти ҳаётидаги унутилмас муҳим воқеа бўлди, десак муболаға бўлмайди.

ЧОТҚМБЮ

Бу ерда қуйидаги мутахассисликлар бўйича офицерлар тайёрланади:
– танк қўшинлари қўмондонлик-тактик;
– танк қўшинлари муҳандислик-тактик;
– ҳаво десанти қўшинлари қўмондонлик-тактик;
– қуруқликдаги қўшинлар ҲҲМ қўмондонлик-тактик;
– қуруқликдаги қўшинлар ҲҲМ муҳандислик-тактик.

Лаборатория бошлиғи майор Санжар Отақуловнинг айтишича, энди курсантлар амалий дала-ўқув машғулотларига боришларидан аввал мукаммал билим ва кўникмаларга эга бўлишади. Тактик машғулотлар ва ўқув жангини моделлаштириш орқали мониторда жанг динамикасини кузатиш имконияти, бўлажак офицерларга катта қулайликлар яратмоқда. Янги услубда офицер ва курсантлар машғулотлар учун хариталар чизишдан озод бўлишди, чунки ўқув жангидаги вазият экранга туширилади ва компьютер хотирасида сақланади. Бу эса вақтни тежашдан ташқари моддий бойликлар (қоғоз, рангли фломастер ва ҳоказо)дан унумли фойдаланиш билан қимматлидир.

Ҳозирги кунларда билим юрти бошлиғининг ўқув-услубий ишлар бўйича ўринбосари полковник Владимир Литвиненконинг раҳбарлигида махсус гуруҳ янги ўқув режаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Гуруҳ аъзолари Тактика кафедраси бошлиғи подполковник Фарҳод Худойқулов, ўқитувчилар подполковник Дилшод Пирматов ва майор Санжар Отақуловлар янги лаборатория афзалликларидан тўлақонли фойдаланишни мақсад қилиб қўйишган.

Иккинчи курсда таҳсил олаётган курсантлар – Зафар Остонов, Авазбек Камолов, Ибрат Машарипов ва Олим Акромовларда янги лаборатория катта қизиқиш уйғотиб, ўқишга иштиёқини кучайтирди.

Аждодлар хотираси – муқаддас

ОТА ОРЗУСИ УШАЛМОҚДА

Ўзбек халқининг фахри бўлмиш Муҳаммад Заҳириддин Бобур билан бир заминда туғилганидан фахрланиб юрган катта сержант Нормуҳаммад Нурматов бу йил Тошкент ахборот технологиялари ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги Махсус факультетини битириш арафасидадир. Илғор курсант қишки сессиясини ҳам муваффаққиятли топшираётгани машҳур бобомизга муносиб ворислардан эканлигидан далолатдир.

ТАТУ МФ

Бу ерда қуйидаги мутахассисликлар бўйича офицерлар тайёрланади:
– радио ва коинот алоқаси;
– симли, радиорелей ва тропосфера алоқаси;
– электр симли алоқа воситалари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари;
– радио, радиотехник разведка ва радиоэлектрон кураш;
– зенит-ракета қўшинлари бўлинмалари офицери;
– радиотехник қўшинлари бўлинмалари офицери;
– ахборот хавфсизлиги хизмати офицери.

Бундан беш йил аввал мазкур билим юртига Андижон вилояти Асака шаҳридан келган вақтларида йигит курсантлик даври шунчалик тез ўтишини ҳатто тасаввур этмаганини таъкидлади, суҳбатимизда. Албатта, алоқачи-офицер касби сир-синоатларини ўрганиш осон бўлмади. Таъкидлаш жоиз, курсдан курсга ўтгани сайин қалбини қувонч ва фахр туйғулари тўлдираверди. Фақат биргина воқеа юрагидаги хурсандчилик нурига соя солди – падари бузруквори Салимжон ака бевақт оламдан ўтди.

– Отам офицер бўлганимни кўришни жудаям орзу қиларди, – дейди курсант. – Энди Лазокат ойим отам етмаган кунни орзиқиб кутмоқда. Отам орзусини амалга ошириб, албатта, офицер бўлиб, Ватанимга аъло даражада хизмат қиламан! Ўшанда отамнинг руҳи мендан рози бўлади, деган умидламан.

Қишки сессиясидаги дастлабки имтиҳондан, яъни «Тарбиявий ишлар услубиёти»дан яхши баҳо олгани Нормуҳаммаднинг сўзига амалда содиқ қолишини кўрсатмоқда. Курсдошлари юртимизнинг турли вилоятларидан келишган экан. Масалан, Сардор Фозилов Самарқанд вилояти Оқдарё туманидан, Номоз Исломов Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан, Жамшид Эгамов эса Тошкент вилояти Оҳангарон туманидан. Айтмоқчи, Жамшид «беш» олиб, барча ўртоқларига ўрнак кўрсатганини йигитлар мамнуният билан тилга олишди.

«Ватан – остонадан бошланади», деган халқ ҳикмати бежиз ёдимга келмади, албатта. Ўғлини Ватан ҳимоячилари сафларида кўришни орзу қилиб яшаган отанинг ўлмас руҳи шод бўлишини биз ҳам астойдил тилаб қоламиз. Зеро, ота-боболаримизнинг қолган муқаддас заминни олақўз душманлардан асраш каби фахрли касбни танлаган ўғлонларимиздан қанча фахрланса, арзийди. Чунки уларнинг қалбларида ёнаётган Ватан туйғуси юртимиз келажаги порлоқ эканлигига яна бир яққол мисолдир.

Абитуриентлар учун

ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Ўз ҳарбий мутахассислиги ва хизмат муддатидан қатъи назар, 25 ёшдан ошмаган, тугалланган ўрта маълумотга эга бўлган, олий ҳарбий ўқув юртига кириш истаги бўлган ҳарбий хизматчи ўқишга кириш йилининг 1 апрелига қадар қисм командири номига команда бўйича рапорт ёзиб топширади.

17 ёшдан 21 ёшгача фуқаро ёшлар орасидан бўлган, тугалланган ўрта маълумотга эга, олий ҳарбий ўқув юртида ўқиш истаги бўлган шахслар 1 майгача бўлган муддат ичида турар жойлари бўйича туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига ариза ёзадилар.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: таржимаи ҳол, иш ёки ўқиш жойидан (ишламайдиганлар учун маҳалла қўмитасидан) тавсифнома (характеристика), ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (ўрта мактабларда ўқийдиганлар – ўтган уч чорак учун ўзлаштириш табели нусхаси), 3 дона тасдиқланган 4,5х6 см ўлчамдаги ва 4 дона 3х4 см ўлчамдаги (бош кийимсиз) тасдиқланган фотосуратлар, турар жойидан маълумотнома, оила таркиби тўғрисида маълумотнома, ота-оналарнинг иш жойидан маълумотнома (ишламайдиганлар учун – маҳалла қўмитасидан).

Абитуриентнинг шахсий варақасини расмийлаштиришда номзодни ўрганиш варақаси, касбий (профессионал) танлов картаси, режим объектларида ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида маълумотнома ва анкета тўлдирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар вилоят мудофаа ишлари бошқармасига топширилади. Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг қарори протокол билан расмийлаштирилади ва 10 кунлик муддат ичида номзодларга эълон қилинади.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганликни ифодаловчи гувоҳнома, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг (аттестат, диплом) асли, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, озиқ-овқат аттестати абитуриент томонидан ҳарбий ўқув юрти қабул ҳайъатига (комиссиясига) у ерга етиб келганидан сўнг тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий ўқув юртларига ҳужжатлар қабул қилиш ўқишга кириш йилининг 10 июнигача амалга оширилади.

Продолжая традиции

НАХОДЧИВОСТЬ И ОПТИМИЗМ

В Ташкентском высшем общевойсковом командном училище (ТВОКУ), являющемся старейшим среди военно-учебных заведений Министерства обороны, при отборе курсантов эти два качества имеют первостепенное значение. Ведь будущим командирам мотострелковых, пограничных и разведывательных подразделений, офицерам-воспитателям находчивость и оптимизм нужны в неограниченном количестве.

ТВОКУ

Здесь готовят офицеров по специальностям:
– командиров подразделений мотострелковых и Пограничных войск;
– командиров разведывательных подразделений;
– заместителей командиров подразделений мотострелковых и Пограничных войск по воспитательной работе.

Выпускники ТВОКУ приобретают также гражданскую специальность инженера по эксплуатации автобронетанковой техники.

Читатели нашей газеты наверняка не забыли еще рассказ об увлекательном соперничестве команд КВН училища накануне Нового года, в котором победили курсанты третьего курса. Коллектив под веселым названием «Божолар» достойно продолжает традиции этого учебного заведения, где юмор всегда востребован, поощряем и одобряем. Успешное проведение здесь «Интеллектуального ринга» говорит о том, что и знатоков среди курсантов хватает.

Ну а если кроме шуток, то из ТВОКУ вышло немало известных военачальников, генералов и Героев. Нынешнее поколение курсантов достойно продолжает эти славные традиции. Не так давно один из них был удостоен государственной награды. По словам начальника училища генерал-майора Кабула Бердиева, постоянное внимание руководства страны, выраженное в принятом по ТВОКУ Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан, вдохновляет весь коллектив училища еще более плодотворно трудиться во имя укрепления оборонной мощи нашей Родины. Работая в тесном контакте с местными органами власти, промышленными предприятиями, над укреплением учебно-материальной базы, командование учебного заведения ставит перед собой цель неуклонно повышать качество подготовки будущих офицеров.

От массовости – к мастерству

СПОРТ В ПОЧЕТЕ

В Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище очень сильны спортивные традиции. Например, на первых Всеармейских играх сборная команда училища заняла первое место, в упорной борьбе одолев достойных соперников. Надежный фундамент больших побед закладывается в спортивно-массовой работе.

СВВАКИУ

Здесь готовят офицеров по специальностям:
– командно-инженерная тактическая автомобильных подразделений;
– командная тактическая инженерных войск;
– командная тактическая химических войск;
– командная тактическая артиллерии;
– командная тактическая тылового обеспечения;
– инженерная тактическая РАВ и боеприпасов.

Приказом Министра обороны были подведены итоги 14-го смотра-конкурса спортивно-массовой работы в войсках Министерства обороны. Так вот, в номинации «Лучший взвод» первого места удостоен взвод курсантов СВВАКИУ под командованием капитана Носира Ибрагимова, а «Лучшим батальоном» назван батальон курсантов этого же училища, где командиром майор Абдувахоб Юлдашев, в конкурсе на «Лучшую кафедру» второе место у кафедры устройства и эксплуатации вооружения СВВАКИУ подполковника Салима Хафизова. В итоге закономерно, что и среди военных училищ в целом самаркандцы заслуженно победили.

По словам начальника кафедры физической подготовки и спорта подполковника Константина Юркевского, за последние годы очень вырос уровень армейских спортсменов, поэтому к традиционным соперникам ТВОКУ и ЧВТКИУ добавились команды ЮЗОВО и ВПВО и ВВС. А среди лидеров команды – победитель состязаний по офицерскому троеборью майор Ульян Тимофеев, планирующий в этом году стать мастером спорта, кандидаты в мастера, чемпионы Всеармейских игр лейтенант Азиз Хайдаров, сержант по контракту Абдужаббор Ганиев **(на снимке)**, курсант Элер Тоштемиров, в эти дни усиленно ведущие подготовку ко вторым Всеармейским играм.

Есть в училище и спортивные звезды национального масштаба – призером чемпионатов мира по дзюдо является помощник командира взвода по МТО младший сержант по контракту Михаил Соколов. В этом году для супертяжеловеса главными стартами станут Азиатские игры.

НАВОЛАРГА АЙЛАНГАН КЎНГИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Комилжон Отаниёзовнинг Тошкентдаги, Урганчдаги уйларида бўлдим. Турмуш ўртоқлари Имсимой ая билан суҳбатлашдим. Хуллас, шу тариқа бобом қалбидаги сирга бироз бўлса-да ойдинлик киритдим. Шу баҳона мен ҳам беихтиёр куй-қўшиқ дунёсига кирдим.

«Жозибадор, кўнгилга ором бахш этувчи қўшиқларни қайта-қайта тингласангиз ҳам зерикмайсиз, айрича завқ олаверасиз. Албатта, дилрабо қўшиқларнинг яратилиши санъаткорнинг иқтидорига боғлиқ. Сўз ва соз, овозни танлай билиш, уларни уйғунлаштира олиш ҳофизнинг диди, савияси билан белгиланади. Бу уч бирликнинг яхлитлиги гул, булбул ва кўнгилнинг узвий алоқадорлигини эслатади. Ана шуларнинг ўзаро уйғунлигида жило топган қўшиқнинг тингловчининг кўнглига йўл олади. Бунга эътибор, масъулият билан қараш ва уни ижрода моҳирона қўллай олиш камдан-кам санъаткорларга насиб этади.

Комилжон Отаниёзов ана шундай бахтга тўла маънода сазовор ҳофиз эди. Унинг жозибадор қўшиқларини шунчаки тинглаш қийин. Унинг қўшиқлари қандай руҳда бўлмасин, ўзига хос «юк»ни, дардни ташийди. Ҳофиз сўзни чертиб-чертиб, унинг маъно-қудратини сози ҳамда овозининг беқиёс имкониятлари орқали етказа олади. Унинг қўшиқлари қалбингизга Хоразмнинг ҳаволарини олиб киради, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, унга ишланган нақшлар, арабий битиклар билан музайян мадрасаю Исломхўжа ҳамда Калта минорларни кўз олдингизда жонлантиради. Ҳофизнинг нолаларида ўз санъатсевар халқига муҳаббати уфуриб туради». Олим Раҳимбой Жуманиёзовнинг машҳур ҳофиз ҳақидаги бу сўзларини ўқир эканман, ўзимни қийнаётган саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Маълумки, Комилжон Отаниёзов 1917 йилнинг 20 июлида Хоразмнинг Шовот тумани Бўйрачи қишлоғида туғилади. Имсимой ая Полвонованинг айтишича, ҳофизнинг отаси Отаниёз Охунд Ниёзий хон саройида хизмат қилган, шеърлар ёзган. Манбаларда қайд этилишича, Ниёзий таржимон, тарихчи, бастакор, моҳир хаттот ҳам бўлган экан. Бу зиёли инсоннинг хонадонига ўз даврининг моҳир соз санъати усталари – Матпано ота Худойберганов, Мадраҳим Шерозий, Матёқуб Харрот, Ҳожихон Болтаев, Маткарим Ҳофиз, Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев)лар тез-тез ташриф буюриши, санъат бобида нафис суҳбатлар қуришлари ёш Комилжоннинг қалбида ажиб туйғулар уйғотди. Бу санъатга, нафосатга ошнолик билан боғлиқ туйғулар эди. Айниқса,у отасининг ғазалларини мусиқий қироат билан ўқишни хўш кўрар, машҳур ҳофизларга ўхшаб айтишга уринарди.

Бобом Комилжон санъатига бахшиёна ижроси учун ҳам шайдо бўлганини англадим. Ҳа, халқ оғзаки ижодига чуқур ёндашув ҳофизни янада машҳур қилди. Айниқса, «Сайёд ва Ҳамро», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби достонларга Комилжон ака ижросидан кейин халқимизнинг меҳри янада ошганини таъкидлаш жоиз.

Ҳофизнинг битмас-туганмас санъати, бизга қолдирган маънавий хазинаси ҳақида узундан-узоқ тўхталиш мумкин. Аммо кўпчилигимизга номаълум бўлган инсоний фазилатларидан ҳам сўз очсак, дегандим. Балким бу мисоллар санъат остонасидан ҳатлаб-ҳатламай, машҳурлик касалига чалинадиган, оёғи ердан узиладиган айрим хонандаларга ибрат бўлар.

Ҳаётий мисолларни «Комилжон Отаниёзов замондошлари хотирасида» китобидан келтирамиз.

Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов шундай ҳикоя қилади: «1961 йили Комилжон Отаниёзов Чоржўй шаҳрига гастролга келди. Кўпдан буён ният қилиб юрган орзуларим рўёбга чиқди. Комилжон Отаниёзов билан учрашиш ва суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим.

– Комилжон ака, мени шогирдликка олсангиз, балки яхши ашулачи бўларман, – дедим.

Улар менга маъноли боқиб, шундай дедилар:

– Қани бир жуфт қўшиқ эшитайлик-чи?

Мен иккита ҳиндча ашула айтдим. Жимгина тинглаб ўтирган устоз бир оздан сўнг қаддини ростлаб дедилар:

– Яхши, ўзбекча қўшиқлар ҳам биласанми?

– Ҳали ўзбекча қўшиқлар ўрганганим йўқ.

– Ўзга халқларнинг тилларида қўшиқ айтиш ҳам фазилат. Лекин даставвал, ўз тилинг қадрини билишинг, ўз тилингда қўшиқлар айтишинг зарур.

Ўша кундан бошлаб ўз она тилимда қатор қўшиқлар ўргана бошладим».

Маҳмуд Қошғорий номидаги халқаро мукофот соҳиби Бобохон Муҳаммад Шариф шундай ёзади: «Ўшанда мен Тошкент давлат университетининг талабаси эдим. Комилжон Отаниёзовнинг эллик йиллик тўйлари бўлиб ўтаётганди. Устознинг Бешёғочдаги уйида меҳмонлардан бири Комилжон Отаниёзовдан иттифоқо «Нега топган пулингизни ўзингиз олмай, тўй эгасига инъом қиласиз, ахир сиз меҳнат қиласиз-ку» деб сўраб қолди. Шунда у жилмайиб: «Қўли очиқнинг йўли очиқ. Берганга худо беради», деб қўя қолганди.

1987 йилнинг декабрида Комилжон устознинг етмиш йиллик тўйини ўтказиш учун елиб-югуриб юрган кунларимизда Бешёғочдаги ўша машҳур санъат масканида бир вақтлар Комилжон ака ўқитган Ҳаким Худойберганов исмли бир муаллим билан суҳбатлашиб қолдим. У Комилжон ака қилган қатор савобли ишларни тилга олди. Жумладан, ўзи ўқиган мактаб биносини қайта қурдирган, қишлоқдаги Иморатбобо қабристонини обод қилишга бош бўлган ва ҳоказо. Сўнг у киши чўнтагидан эскириб кетган бир ҳужжатни олдилар. Бу мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш учун Комилжон Отаниёзов давлат банкининг Шовот тумани бўлимига 5000 сўм топширгани ҳақида тўлов далолатномаси эди. Бугунги ёшлар учун бу қўлнинг кири бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ ўша вақтда бу пулга бемалол битта «Волга» олиш мумкин эди!»

Ҳофизнинг доирачиси бўлган Отаназар Абдолниёзов шундай хотирлайди: «Классик шеъриятимизнинг ҳам зўр билимдони эди, у киши. Қўқонга борганимиздаги бир воқеа эсимдан чиқмайди. Чархий домланинг уйида меҳмон бўлганмиз. Бир нонуштада Чархий домла Комилжонга атаб ғазал ўқидилар. Ғазални бутун вужуди билан тинглаб ўтирган Комилжон ака бир нуқтага тикилганча қолдилар. Эртаси куни маълум бўлдики, Комилжон устоз Чархий ғазалига тезликда мухаммас боғлабдилар. Нонушта пайтида мухаммасни айрича бир оҳанг билан қироат қилдилар. Сўнгра ўзлариям ёзган ғазалларидан бирини ўқидилар».

Комилжон Отаниёзов билан вилоят театрида бирга ишлаган Салоҳиддин Камолов шундай ҳикоя қилади: «Комилжон Отаниёзов нафақат санъаткор, балки ғамхўр инсон сифатида ҳам хотирамда қолган. Ёзги театрнинг бир қавати ёмғирда йиқилди. Ана шундай пайтда Комилжон Отаниёзов уни давлатдан пул олмай, жамоани уюштириб, ўз пулига тиклатганди. Бундай эзгу ва хайрли юмушлар фидойи санъаткорнинг ҳаётида кўплаб бўлган».

Мана бу воқеани эса унинг оила аъзоларидан эшитганман. Аёли ёки бўлмаса тарбиясига олган болаларидан бири сўзлаб берганди. Унга кўра тошовузлик Гулжон деган бир бева аёл Файзулло исмли ўғлининг тўйига Комилжонни таклиф этади. Ҳофиз бу тўйга ўзи бош-қош бўлиб, ҳатто қилган хизматига пул олмасдан бева аёлга моддий ёрдам кўрсатади. Бу оилага меҳри тушиб, кейинчалик Файзуллони Тошкентда ўзи ўқитади. Мана, сизга бағрикенглик, одамийлик, саховат. Ҳа, у инсоннинг санъати бир дунё, одамийлиги яна бир дунё эди. Бу ҳилқатлар ичига кирганинг сайин кўнглинг нурафшон бўлаверади.

Бу янглиғ мисоллардан, халқ ичида ҳатто афсонага айланган воқеалардан ҳам кўриниб турибдики, ҳофиз номига мос равишда комил инсон бўлган. Маънавияти, маърифати юксак бўлган. Ҳа, ана шундай бетакрор қалб соҳиби куй-қўшиққа гўё жон бахш этолди. Бу ҳилқат ичига ўзи ҳам кириб яшади. Қулоқ бериб тингланг-а, Хоразм воҳасидан куйга, қўшиққа айланган кўнгил ноласи ўчмас бир наво бўлиб янграяпти. Нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб Шарқ мамлакатларида, қўшни юртларда маълуму машҳур бўлган санъаткордан ана шундай улкан бир мактаб қолди, бизга. Унинг санъатдан қурган кошонаси ҳали-ҳали мустаҳкам, сайқал топса топадики, нурамайди.

Ҳофиз сайқал берган Хоразм сувораси янграганда кўнглим гўё кенг бир уммон узра балқийди. Бу уммонда қалқиб-қалқиб кетар эканман, ўша болаларча ҳайратим хаёлимга келаверади. Оҳанрабо наво қанотларига осилиб, хаёл оламида парвоз қилавераман, қилавераман.

Сафар АЛИ.

ТАРБИЯ – КЕЛАЖАК МАЁҒИ

Доно халқимизда «Инсоннинг етти ёшлигидаги феъл-атвори етмишга кетади», деган нақл бор. Бундан келиб чиқадики, инсон зурриёди етти ёшга қадар гўзал хулқ тарбияга эга бўлиб улгурмоғи лозим. Бу масъулият эса айнан мактабгача тарбия муассасаларининг жонкуяр ходимлари зиммасига юклатилиши барчамизга аён.

Асрлар давомида шаклланиб, ҳаёт синовларида юзага келган бу мақол доимо ўз эътирофига эга. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий бўғини таълим-тарбияга қаратилаётгани бежиз эмас. Бу жараёнда болалар боғчалари ҳам муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги, яъни ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланаётган ушбу тарбия ўчоқларига катта аҳамият берилаётганлигига гувоҳмиз. Аввало бу гўшалар етук мутахассислар билан таъминланган. Болаларни ҳар томонлама соғлом ва зукко улғайишлари учун етарли даражада шарт-шароит яратишга етарлича эътибор қаратилган. Буларнинг барчасида боғчаларга таянч бўлиб, ҳомийлик қилиб турган ҳарбий жамоаларнинг ўрни беқиёс.

Биз яқиндагина Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли «Юлдузча» болалар боғчасида бўлдик. Ҳарбий шаҳарчада жойлашган ушбу мактабгача тарбия муассасасида Тошкент ва Чирчиқ гарнизони тасарруфидаги болалар боғчалари мудира, услубчи ва тарбиячилари учун методик семинар бўлиб ўтди. Семинар тайёрлов гуруҳида олиб борилган очиқ машғулот билан бошланди.

Сир эмаски, фарзандларимиз мустақил юрт эгалари, эртанги кун давомчиларидир. Уларга ўзлигимизни англатувчи миллий анъаналар ва қадриятларимиз, ўтган улуғ боболаримиз ҳақида боғча ёшидан бошлаб маълумотлар бериб бормоқ керак. Бу уларда ўз юрти ва элига нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини куртак ёздирувчи амаллардан биридир. Шу сабабли очиқ машғулот айнан шу мавзуга бағишланди. Келинг, ушбу машғулотга қисқача эътибор қаратайлик. Дастлаб миллий либос кийган тарбиячи ва болажонлар қўлларини кўксига қўйиб давлатимиз мадҳиясини ижро этишди. Сўнгра, уларга нутқ ўстириш машғулоти орқали маданий меросимиз, саркарда ва аллома боболаримиз ҳақида тушунча берила бошланди. Бу борада тарбиячи Шаҳноза Эралиева ва услубчи Дилором Ҳожиматованинг машғулотга астойдил тайёргарлик кўришгани яққол кўзга ташланди. Болажонлар Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятларининг ўзига хос маданий мероси, миллий анъаналари ҳамда улуғ сиймоларимиз Ибн Сино, Амир Темур, Бобур Мирзо тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлишди.

Машғулотдан сўнг, методик семинар иштирокчилари ўз мулоҳазаларини баён этган ҳолда болаларда миллий маънавият ва маданият қирраларини таркиб топтириш, ўстириш ва мустаҳкамлаш борасида фикрлар билдиришди, савол-жавоблар ўтказишди.

– Бундай методик семинарларни ўтказиш йиллик режамиздан муҳим жой олган, – дейди Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармасининг мактабгача тарбия муассасаларини ишлаш бўлими бошлиғи Моҳида Атабаева. – Фарзандларимизни соғлом ва баркамол улғайишлари учун уларнинг тарбиясига масъул бўлган ходимлар аввало ҳар томонлама етук бўлишлари шарт. Шу сабабли бундай методик семинарларнинг ўрни беқиёс. Улар очиқ машғулотдан сўнг боғчанинг ҳар бир гуруҳи, тарбиячининг иш фаолияти билан яқиндан танишиб чиқишади. Сўнгра, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишади. Семинар боғча ходимларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун катта аҳамият касб этади.

Методик семинар иштирокчилари Ибодат Расулова етакчилигидаги «Юлдузча» болалар боғчасидан катта таассурот билан қайтишгани аниқ. Ҳарбий хизматчиларнинг 140 нафар фарзанди камолга етаётган ушбу жажжилар маскани ҳавас қилса арзигулик. Муассасанинг жонкуяр ходимлари Дилором Ҳамдамова, Сайёра Мелиева, Муҳаббат Эшимова, Малоҳат Ҳалилова, Ҳафиза Мадалиева ўз касбининг фидойилари. Тарбия – келажак маёғи, дейдилар. Семинар иштирокчилари бўлмиш ёш авлод тарбиясига масъул ходимлар аввало ушбу маёқни баланд тутмоқлари лозим.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



КОМАНДИР НАМУНА БЎЛИШИ ШАРТ

Бу замин қанча-қанча жангу жадаллар гувоҳи бўлган, фотиҳлар қиличи зарбидан ингираган, мард ўғлонларининг фидойилигидан ларзага келган. Юрт мустақиллиги, миллат келажаги учун жонларини фидо қилган аждодларимиз руҳи қўллаб тургани боис ҳам бугун юртимиз мустақил ва обод бўлса, ажаб эмас. Эл осойишталигини бурчи деб билган ҳарбий хизматчиларимизга мардлик, жасурлик ва фидойилик аждодлардан ўққан, десак муболаға бўлмайди. Юртбошимиз И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 29 августдаги тўққизинчи сессиясида сўзлаган маърузасида «Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очиқ айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурч ва қасамёдига содиқликни талаб этади», деганида ҳарбий касб эгалари зиммасидаги масъулиятни теран ифодалаб берган эди.

Ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан, профессионал Қуролли Кучларни шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳар бир ҳарбий хизматчидан замонавий билим ва тажрибани, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилиши баробарида ўз қўл остидаги ҳарбий хизматчилардан ҳам айнан шу нарсаларни талаб қила билишни, юксак ташкилотчилик ва бошқарув малакасини, шу билан бирга ўзига бўйсунувчи ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва хизмат фаолияти учун жавобгарликни талаб этади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 301- ва 302-моддаларида назарда тутилган бўлиб, ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат мавқеидан ташқарига чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳамда хизматга совуққонлик билан қарашда ифодаланади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари армия қудратига катта хавф туғдириш билан бирга, армиядаги ҳуқуқий тартиботга жиддий зарар етказади, интизомнинг заифлашувига, жанговар тайёргарлик ва жанговар қобилиятнинг пасайишига олиб келиб, давлатга моддий зарар етказади. Ўз хизмат вазифаларига кўра қўшинларда қонунчиликни таъминлаш, қўл остидагиларга ҳарбий қасамёд, ҳарбий интизом ва буйруқларни бенуқсон бажаришда намуна бўлиш бурчи ҳисобланган мансабдор шахсларнинг жиноят содир этишлари бўйсунувчилар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шарт-шароитлар яратади, қонун ва интизомга нисбатан ҳурматга путур етказади.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятининг хусусияти шундаки, мазкур жиноятларнинг содир этилишидан вужудга келган оқибатлар айбдорга бевосита тегишли бўлмаслиги, балки унга бўйсунувчи хизматчилардан фойдаланиш оқибатида, шунингдек, қонунга хилоф буйруқларнинг берилиши билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Била туриб бундай буйруқ берган шахс мазкур буйруқнинг бажарилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлиши шарт.

Ҳокимиятни ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш бошлиқнинг ёки бошқа мансабдор шахснинг била туриб ўз хизмат мавқеидан хизмат манфаатлари зарарига фойдаланиши билан изоҳланади. Мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеидан фойдаланиши деганда, унинг ўз ваколати доирасидан четга чиқмай, эгаллаб турган лавозими ва хизмат мавқеига кўра шарт бўлган ҳаракатларни мазкур ҳолатда ноқонуний содир этилиши тушунилади. Ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш бошлиқ ва бошқа мансабдор шахснинг, унинг ҳуқуқ ва ваколати ҳудудидан қасддан очиқчасига четга чиқадиган ҳаракатларни содир этишдан иборат.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги бошлиқ томонидан ҳарбий низом мажбуриятларига кўра, унинг қилиши лозим бўлган ёки у қила оладиган ҳаракатларни қасддан бажармаганлигида ифодаланади. Мазкур мажбуриятларга риоя қилмаслик муайян шароитларда оғир оқибатларни – жиноятни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан ҳокимият ҳаракатсизлиги шуниси билан фарқ қиладики, у бошлиқнинг фақат ҳокимият ваколати вазифалари доирасида ва фақат унинг ўз хизмат вазифасига кўра бажариши керак ва мумкин бўлган ҳаракатни содир этмаганлиги шаклида бўлиши мумкин.

Биз юқорида таъкидлаганимиз каби ҳарбий хизматчилар ҳамма замонлар юртнинг энг маданиятли ва илғор кишилари ҳисобланган. Бу анъананинг бугунги кунда ҳам давом этиши ҳарбий хизматчиларнинг аждодлар қолдирган бой меросни қай даражада ўзлаштирганликларига боғлиқ. Ҳарбий хизматчи ўзининг интизомлилиги, босиқлиги ва камтарлиги, ор-номусни муқаддас сақлаши, ўз қадр-қимматини ҳимоя этиши ва ўзгалар қадр-қимматини ҳурмат қилиши, энг асосийси, улар ўзларининг хулқи ва юриш-туришига қараб нафақат уларнинг, балки бутун Қуролли Кучлар ор-номуси тўғрисида хулоса чиқарилишини доимо ёдда тутишлари лозим. Ҳарбий мансабдор шахслар зиммасидаги масъулият эса яна ҳам кўпроқ. Чунки улар ўзларининг жамики ҳаракатлари ва фаолиятлари билан қонунларга ва Умумҳарбий низомлар талабига оғишмай амал қилишлари билан қўл остидагиларга ибрат кўрсатишга мажбур. Юртимиз равнақ топаётган, профессионал армиямиз шакллантирилаётган масъулиятли бир даврда ҳар бир ҳарбий хизматчидан мардлик ва фидойилик, сабот ва матонатли бўлиш талаб этилади.

Адлия подполковниги
Қаҳрамон ЭШОНҚУЛОВ,
Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳарбий суди раиси.

ҚАЛЪА ДАРВОЗАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тарихий манбаларда ва халқ оғзаки ижоди намуналарида Хиванинг 4,10 ва ҳатто 14 дарвозаси бўлганлиги тилга олинади.

Хўш, ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаган қадимий шаҳарда қалъа дарвозалари чиндан ҳам тўрттами ёки 14 тамикин?

Дарвоза атамаси қадимги «дар» – эшик, «воза» – очиқ деган маънони англатади. Амалда дарвозалардан от ва туялар, аравалар, бутун бошли карвонлар, тўп-тўп навкарлар бемалол кириб чиққан. Дарвозалар қўрғон, қалъа, сарой, боғ ва ҳовлиларни безаган. Демак, дарвозалар бизга узоқ аждодларимиздан мерос, у даврдан-даврга ўтиб, такомиллашиб ва сайқал топиб келяпти. Дарвозалар ҳозир ҳам иморатларимиз кўрки ва салобатини намойиш этаяпти.

Шу ўринда ўзбек миллий қомусининг 3-жилди, 561 саҳифасидаги ушбу сатрлар эътиборни тортади. Тошкентнинг 12 та, Бухоронинг 11 та, Хиванинг 4 та дарвозаси ҳар куни қоронғу тушиши билан ёпилиб, эрталаб барвақт очилган ва уни доимий қўриқловчи дарвозабонлари бўлган.

Дарҳақиқат, қалъа дарвозалари замона зайлига, ҳоким хонлар майлига қараб қурилган, ўзгартирилган. Айрим даврларда эса мамлакат куч-қудратининг тимсолига ҳам айланган. Тарих фани билағонлари С.П.Толстов, Е.Массон, Я. Гуломовлар қадим қалъаларда бир ёки иккитадан ортиқ дарвоза бўлмаганлигини қайд этадилар. Негаки, дарвоза ҳарбий-стратегик истеҳком воситаси бўлиб, қалъани қўриқлашда муҳим аҳамият касб этган, ундан кимлар кириб-чиққанлиги ҳам назорат қилиб борилган. «Шаҳар бедарвоза эмас» дейилишининг боиси ҳам шу.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хива ер юзидаги энг кўҳна осори-атиқалардан саналмиш Бобил (Вавилион Трояк, Палмира, Махинжо-Доро, Макка, Истанбул, Константинополь) Қуддус, Марв, Самарқанд, Деҳли, Бухоро шаҳарлари қаторида тилга олинади.

Қадимий Хива қалъаси атрофларини хандақлар чуқурлиги 3-4 эни 30-40 метрлик доирасимон ҳовузлар, баландлиги 7-8 метрлик қалин деворлар қуршаб турган. Мозийда унинг атиги 2 та дарвозаси мавжуд бўлганлигини археолог-олимлар қайд этишган. Дарвозаларнинг бири жануб, яна бири эса шимол томонга қаратиб қурилгани ҳам маълум. Шимолий дарвоза доимо берк ҳолда қолган ва ўта қалтис дамлардагина махсус рухсат билан очилган.

Жаҳон халқлари тарихида у ёки бу ҳукмдор, бирон бир юриш ва зафар муносабати билан ғолиб армия навкарларини кутиб олиш учун махсус арк дарвозаларини барпо этган. Бундай удум Хоразмда ҳам бўлган. Ичон қалъанинг 4 дарвозаси чор тарафдан қурилган. Дишон қалъадаги 10 дарвоза эса Хива хонлигининг сўнгги 350-400 йил мобайнида бунёд этилган ва даврнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларини яққол акс эттиради. Шунингдек, Ота дарвозани – Улли дарвоза, Полвон дарвозани – Ҳазорасп дарвоза, Тош дарвозани – Қўҳнабозор дарвоза, Қўша дарвозани – Орқа дарвоза, Қумёсқа дарвозани – Ёп дарвоза, Янгиариқ дарвозасини – Куск дарвоза, Шоҳимардон дарвозасини – Қибла дарвоза деб аташ расм бўлган. Минг афсуски, асрлар ва йиллар давомида уларнинг аксарияти ер билан яксон этилган. Мазкур дарвозаларнинг кўпчилиги Муҳаммад Раҳимхон (1804-1825), Оллақулихон (1825-1843), Аминхон (1852-1855) ҳукмронлик қилган йилларида барпо этилган ёки таъмирланган. 1873 йил май ойида Руссия истилочилари Хиванинг шимолий ва шарқий дарвозаларини замбараклардан ўққа тутдилар ва миналар билан портлатдилар. Натижада бебаҳо санъат асари ҳисобланган меъморий обидалар зарар топди.

Хива дарвозаларига битилган ўйма нақшлар халқ амалий санъатининг нодир намунаси. Мана неча йиллардан буён бу обидалар шаҳар меҳмонлари ва сайёҳларини мафтун этиб келяпти. Шаҳар тўйи муносабати билан таъмирланиб, асли ҳолига келтирилган дарвозалар эса ўз табақаларини меҳмонлар учун кенг очган.

Комилжон НУРЖОНОВ.



ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Эльмира ГАЙНУТДИНОВА всерьез мечтает стать военнослужащей.

Вот почему она, не задумываясь, поступила в Кокандский колледж транспорта и связи, с отличием его окончила.

Девушка, чтобы быть в курсе всех событий, происходящих в наших Вооруженных Силах, регулярно читает газету «Ватанпарвар». Также Эльмира постоянно знакомится с новинками художественной литературы и периодикой. Кроме того, девушка увлекается спортом и эстрадной музыкой.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● В малайзийской столице состоялось торжественное открытие самой большой в мире статуи, изображающей божество.

Высота покрытой золотой краской скульптуры, олицетворяющей индуистского бога Муругана, составляет 42,7 метра.

На ее изготовление ушли 1 тысяча 550 кубических метров бетона, 250 тонн стальных балок и более 300 литров импортированной из соседнего Таиланда золотой краски. Над ее созданием трудились 15 специально приехавших в Малайзию индийских скульпторов.

● Регулярное употребление в разумных количествах вина и молока ослицы позволило жительнице Эквадора Марии Каповилье стать старейшей в мире, объяснила сама 116-летняя женщина. Недавно ее имя занесено в Книгу рекордов Гиннесса.

● В Рио-де-Жанейро была установлена самая высокая в мире плавучая елка. Ее установили на озере Родриго-ди-Фрейтас в престижном районе Лагоа, где находится гора со знаменитой статуей Христа. Высота дерева – более 80 м, вес – свыше 450 т. Основание елки состояло из 11 плавучих блоков, каждый из которых достигал 12 метров в длину и 3,4 метра в ширину. Елку украшали 2,8 млн. лампочек, соединенных 35 тысячами световых проводов.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Искандар Раҳмоннинг қуйидаги шеърига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Авазбек Маллабоев куй басталаган. Қўшиқни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Абдуллаева ижро этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОФИЦЕРЛАРИ

Буюк зотлар элдошларисиз,
Собир Раҳим издошларисиз,
Мард йигитлар сафдошларисиз,
Ўзбекистон офицерлари!

Ватанимиз умид кўзисиз,
Кўксидаги чўнг юлдузисиз,
Соф виждони, ёруғ юзисиз,
Ўзбекистон офицерлари!

НАҚОРАТ:

Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,
Кўкси тўла жанговар нишон,
Юрт посбони, жасур қўмондон,
Ўзбекистон офицерлари!
Мард ўғлони баҳодирлари!

Улуғ мактаб жасоратингиз,
Ҳарбий санъат, маҳоратингиз,
Ҳарбиёна салобатингиз,
Ўзбекистон офицерлари!

Аскар борки, дилида ғулу,
Ором бермас ажиб ҳис-туйғу,
Сиздек бўлсам, деб қилар орзу,
Ўзбекистон офицерлари!

НАҚОРАТ:

Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,
Кўкси тўла жанговар нишон,
Юрт посбони, жасур қўмондон,
Ўзбекистон офицерлари!
Мард ўғлони баҳодирлари!

КУЛОЛ ЎҒЛИНИНГ МАҲОРАТИ

Қуролли Кучларимиз Марказий музейи кўргазмалар залида 2006 йил 14 январь арафасида мусаввирлик ҳамда бадиий ижоднинг бир қанча йўналиши бўйича VI Умумармия бадиий кўргазмаси иш бошлагани ҳақида хабар бериб ўтган эдик. Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, анъанавий тарзда ташкиллаштирилиб келинаётган бу йилги кўргазмага ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари томонидан бадиий ижодиётнинг турли йўналишлари бўйича, жумладан, тасвирий санъат асарлари, портретлар, манзаралар, натюрмортлар, расмлар, графика, халқ амалиёти намуналари, сополдан ясалган буюмлар, ёғоч, ганч, металл нақш ўймакорлиги, тўқимачилик, бадиий каштачилик, заргарлик ва зардўзлик буюмларидан иборат бўлган 200 дан ортиқ ижодий ишлар тақдим қилинган. Лекин улардан 60 таси мутахассислар томонидан танланиб, кўргазмага қўйилган эди.

Куни кеча ушбу музейда танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазманинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда, десак, муболаға бўлмас. Фақатгина пойтахтдаги ижодкорлар иштироки билан чекланиб қолаётган ушбу кўргазмага бу йил республикамизнинг барча округларидан ҳаваскорлар ўз ижод маҳсулини тақдим қилишди. Бундан ташқари, ижодий ишларни кўриб чиқиш учун тузилган ҳайъат аъзолари сафига Ўзбекистон Рассомлар академиясидан вакилларнинг жалб қилиниши ҳам кўргазмага қўйилаётган ишларнинг анча мукаммаллигидан далолат беради.

– Мен ушбу кўргазманинг бу қадар юқори савияда ташкиллаштирилишини сира кутмагандим, – дейди ҳайъат аъзоси, таниқли рассом Ваҳоб Зиёев. – Сабаби, иштирокчиларнинг бирортаси ҳам профессионал ижодкор эмас. Улар шунчаки ҳаваскор. Лекин ижодий ишларни кўрганда, сиз уларга нисбатан бу иборани ишлатолмайсиз. Масалан, кичик сержант Ҳабибжон Мамажоновнинг ижод намуналарини кузатадиган бўлсак, ясаган кулолчилик буюмлари мени ўзига қизиқтириб қўйди. У ясаган мевадонни қўлимга олар эканман, назаримда бу ишни посбон эмас, балки профессионал уста қалб қўри-ла ишлагандек туюлди. Яна мени ўзига ром айлаган ижод намуналаридан бири кичик сержант Розалия Абдулатипованинг асаридир. Унинг «Мустақил Ўзбекистонимизни, мусаффо осмонимизни ҳимоя қилиш муқаддас бурчдир» дея номланган ватанпарварлик руҳида яратилган картинаси, ҳар қандай профессионал асарлардан қолишмаслиги билан қадрлидир. Боз устига мактаб ўқувчиларининг чизган суратлари ҳам сизни беэътибор қолдирмайди.

Кўргазма натижаларига кўра, ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳабибжон Мамажоновнинг кулолчилик буюмлари жой олиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

– Тўғриси, аввал ҳам бир неча маротаба танловларда иштирок этиб, совриндор бўлганману, лекин айнан ушбу Умумармия кўргазмасида биринчи ўринни оламан, деб сира кутмагандим, – дейди Ҳабибжон. – Кулолчилик бу – менинг ота касбим. Ёшлигимдан кулолчилик буюмларини ясайман. Ҳозир ҳарбий хизматда бўлганлигим боис, севимли машғулотим билан мунтазам шуғуллана олмайман. Қачонки Риштонга, отаонамнинг олдига борсамгина кулолчилик буюмларини ясашимга имкон туғилади. Ҳар бир буюмни маромига етказиб ясасам, бундан эстетик завқ оламан.

Иккинчи ўринга шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Розалия Абдулатипова томонидан яратилган картина ҳамда оддий аскар Жаҳонгир Исмоиловнинг бетакрор нақшлик ишлари муносиб топилди. Учинчи ўринни эса офицер ўғли Саша Яциков ва Қуролли Кучлар фахрийси, захирадаги тиббий хизмат майори Ғайбулла Алиевларнинг ижодий ишлари муносиб топилди. Бундан ташқари, Мудофаа вазирининг буйруғига кўра, бир қатор кўргазма иштирокчилари ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Сержант Обиджон Отахонов, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсанти Улуғбек Ҳайдаров, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Жамшид Ашуров, Асем Атаханова, оддий аскарлар – Лазизбек Шуҳратов, Ғулом Нормуратов, Бахтиёр Мустафақулов, Бунёд Давлетов, Саид Турдиев, Қудрат Латипов ҳамда Ольга Харечко, Геннадий Бажажин, Элвер Минарифов шулар жумласидандир. Тақдирланганлар орасида Ватан посбонларининг фарзандлари ҳам бор. Улар Нигора Қодирова, Лира Зайнилова, Элбек Жўраевлардир. Ғолиб ва совриндорларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғаларни Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов ўзининг самимий дил сўзлари-ла топширди.

Комилжон ҲАСАНОВ.

Шоир хотирасини ёд этиб

ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Жаҳон шеърияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Алишер Навоий – буюк шоир, мутафаккир, ўзбек адабий тилининг асосчиси, атоқли давлат арбоби, моҳир сўз санъаткори, илм-фан ва маданият ҳомийсидир. Навоий бутун фаолиятини инсоният бахт-саодати, мамлакат ободончилиги, халқ фаровонлиги ва илм-фан тараққиётига бағишлади. Унинг ўлмас ва бетакрор ижоди бутун ҳам дунё аҳлини лол қолдириб, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида севиб ўқилмоқда. Шоирнинг ғазал, рубойи, фард, туюқ, девонларида, беш достондан иборат «Хамса», «Хазойинул-маоний», «Мажолис-ун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн» ва бошқа асарларида тараннум этилган халқ тарихи, одоб-ахлоқ намуналари ҳамда бошқа маълумотлар бугун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган ҳафта Қуролли Кучлар Марказий музейининг «Темурийлар даврида ҳарбий санъат» экспозициялар залида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» доирасида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 565 йиллигига бағишланган «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий мероси» мавзусида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Анжуманда навоийшунос олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, ўқувчи ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаровнинг «Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси» мавзусидаги маърузаси, Ўзбекистон халқ артисти уруш ва меҳнат фахрийси Коммуна Исмоиловнинг мусиқий чиқишлари айниқса, йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги 171-мактаб ўқувчиларининг Навоий ғазал ва рубойиларидан келтирган намуналари ҳамда бадиий мусиқий чиқишлари ҳам тантанага ўзига хос файзу тароват бағишлади.

– Буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда бугунгидек тадбирларнинг кўпроқ ўтказилиши жанговар хизматни ихтиёр этган посбонларнинг юрагида ватанпарварлик туйғуларини янада шакллантиради, – дейди тадбирда иштирок этган шартнома асосидаги хизмат кичик сержанти Фарҳод Худойбердиев. – Бундан маънан ҳам билимимиз юксалади. Умуман, бизнинг бой тарихимиз ва адабий меросимизга, кўҳна ва бардавом қадриятларимизга жаҳоннинг кўплаб халқлари ҳавас қилишади. Тарихдан маълумки, жаҳон цивилизациясининг кўплаб йўналишларида кўҳна Шарқ, айнан бизнинг бобокалонлар етакчи бўлишган. Улар инсоният тараққиётига пойдевор қўйишган. Биз бундан фахрланишимиз ва ўз навбатида уларнинг авлодлари, деган номга муносиб бўлишимиз керак.

Тадбир ниҳоясида қатнашчилар музей экспозиция заллари бўйлаб экскурсия қилишди.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.



БУЮК АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Марказий офицерлар саройида шеърият мулкининг султони, буюк мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 565 ҳамда улуғ саркарда, ўзбек элининг мард, жасур ва довюрак ўғлони Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 513 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Кечага ташриф буюрган меҳмонлар – навоийшунос олима филология фанлари доктори Суйима Ғаниева, филология фанлари доктори Нусратилло Жумахўжа, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси захирадаги полковник Рофи Пардаев, Республика оила илмий амалий марказининг илмий ходими Умида Темировалар буюк аждодларимиз ҳаёт йўллари, сермаҳсул ва сермазмун ижодиёти, қолдирган бой адабий мероси ҳамда жаҳон мумтоз адабиётидаги ўрни хусусида фикр юритишди.

Ўқилган ғазаллар, «Алишер Навоий» бадиий фильмидан намойиш этилган лавҳалар, шунингдек, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг тақдим этган мумтоз қўшиқлари тадбирга ўзгача файз, томошабинларга эса кўтаринки кайфият бағишлади.

Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари Рихситилла Абдуллаев ва Гулчеҳра Эшонқуловалар «Алишер Навоий» спектаклидан парча ижро этиб, барчани хаёлан маърифатпарвар бобомиз замонига саёҳат қилдирди.

Тадбир сўнгида Мудофаа вазирлиги Маданий ишлар хизмати – Марказий офицерлар саройи бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

– Ушбу тадбир менда жуда катта таассурот қолдирди, – дейди оддий аскар Фарҳод Исломов. – Мен ёшлигимдан шеъриятга, хусусан, Бобур ижодига қизиқаман. Қолаверса, унинг нафақат ижодкор, балки маҳоратли саркарда ва одил ҳукмдор бўлганлиги буюк аждодимизга ҳурматимни янада оширади.

Суҳбатдошимиздан севимли шоири қаламига мансуб ғазаллардан мисол келтиришини сўраганимизда, қуйидагини тўлқинланиб айтди:

«Бори элга яхшилиг қилгилки,
мундин яхши йўқ.
Ким дегайлар дахр аро қолди,
фалондин яхшилиг».

Дарҳақиқат, улуғ бобокалонларимиз босиб ўтган йўл, улар қилган ишлар барчамиз учун ибрат, фахр ва ғурур касб этади. Шундай экан, улар қолдирган адабий, илмий меросни астойдил ўрганиш, ўгит ва панду насиҳатларига амал қилиш фарзандлик бурчимиз.

Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.

Уроки духовности

УТОЛЯЮТ ЖАЖДУ ЗНАНИЙ

В ходе посещения Министром обороны Самаркандского гарнизона библиотечные сотрудницы Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) Инна Жаниева и Ирода Юсупова удостоились за свой труд высокого поощрения. С того дня, как они были награждены Министром обороны именными часами, в жизни тружениц культурного фронта начался совершенно иной отсчет времени.

Учебная библиотека училища насчитывает в своем книжном фонде более ста тысяч книг, из которых почти пятнадцать тысяч приходится на литературу для служебного пользования. Двенадцать лет тому назад пришла сюда Инна Константиновна простым библиотекарем, выйдя замуж за офицера. А теперь она уже заведует этим «царством военной мудрости», где помогают ей заведующая читальным залом Зульхумор Джумаева, библиотекари Елена Руссу и Мохира Таирова. Книгоноши из курсантских батальонов аккуратно уносят и приносят кипы ценных фолиантов, зная, что любая помарка на полях или иная небрежность будут отмечены строгой отповедью. По-другому нельзя, ведь этим источником знаний будут пользоваться еще много поколений будущих офицеров.

Супруг Инны Константиновны, подполковник Уткир Джаниев, является основателем офицерской династии. Два его брата, Улугбек и Шерзод, которые служат в Министерстве обороны и Центральном военном округе, оба уже подполковники. А вот сын Владимир пошел по гражданской линии, он студент Самаркандского филиала ТУИТ.

– Стремимся регулярно пополнять книжный фонд, – говорит Инна Константиновна. – В минувшем году около двух тысяч книг поступило от издательства «Шарк», с января прошлого года дважды в неделю прибывает периодика – все газеты и журналы Узбекистана.

По словам заведующей, Министром обороны предложено провести на базе этой библиотеки семинар для всех библиотечных сотрудников Вооруженных Сил. Предложение почетное, но также и ответственное, поэтому сейчас здесь упорно трудятся над тем, чтобы максимально поделиться опытом с коллегами.

Вот и заведующей художественной библиотекой И.Юсуповой есть, о чем рассказать подругам. Книг здесь поменьше, чем в учебной библиотеке, зато читают их курсанты буквально «запоем». Например, у курсантов Алишера Хамдамова и Тохира Шомирзаева уже по два формуляра заполнены, а курсант Дильшод Мухамеджанов активно участвовал в конкурсе на лучшего читателя. Помимо детективов, исторических романов, читают парни и родную поэзию – стихи Абдуллы Орипова, Эркина Вахидова. Доброй традицией стало проведение вечеров поэзии, последние из них посвящены творчеству Навои, Ойбека.

– Жаль, маловато книг наших поэтов, – сетует Ирода Зиедуллаевна. – Даже поэзия Увайсий, Нодиры идет в переводах на русский язык. Выручают преподаватели Самаркандского университета, которые приходят к нам с интересными лекциями по классике национальной литературы.

Страсть ее к художественной книге разделяет и супруг, подполковник Алишер Юсупов. Преподавателю кафедры двигателей хорошая книга помогает немного отвлечься от мира моторов и высоких скоростей. Вообще с удовлетворением подметили, что даже за время нашего короткого посещения поток посетителей в библиотеку не прерывался. Приветливое обращение милых женщин, их умение быстро и точно найти нужную книгу, даже дельные советы начинающим поэтам – все это создает неповторимую особую атмосферу, насыщенную жаждой знаний. Жаждой, которую помогают утолить эти настоящие профессионалы.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото Ярослава КОРУКИ.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

ТАМАДДУН БЕШИКЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

Маълумки, шу йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини байрам қилишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан жаҳон цивилизацияси ва маданиятида муҳим ўрин тутган Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази «Ёш экологлар клуби» кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлар, айниқса, ёшларни, жумладан, талаба ёшлар диққат-эътиборини мазкур мавзуга қаратиш мақсадида «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзусида учрашув ўтказди.

Учрашувда «Қадимги Қарши тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзусига доир энг яхши илмий-тадқиқот иши учун кўрик-танлов тақдимоти, танлов доирасида Қарши шаҳрига ёшлар археологик-этнографик экспедициясини ташкил қилиш ва унинг натижалари асосида Қарши шаҳридаги вилоят музейини янги экспонатлар билан бойитиш, Буюк Ипак йўлининг Қашқадарё воҳасидан ўтган қисмида янги экотуристик йўналишларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади қуйидагиларга қаратилган:

2700 йиллик юбилей тадбирларини Қарши шаҳрининг узоқ ўтмиши, яъни эрамиздан аввалги 1-мингйилликнинг 2-чорагига бориб тақаладиган кўҳна тарихи билан боғлиқ манбаларидан жамланган илмий тадқиқот ишлари ва фундаментал маълумотлар билан бойитиш;

Қарши шаҳрининг минтақавий экотизимига табиий-иқлимий, геотектоник ва бошқа омилларнинг таъсирини тадқиқ этиш;

қадимда инсоннинг табиий офатлар ҳамда табиатнинг бошқа катаклизмалари билан ўзаро муносабатларига боғлиқ тарихий манбаларни йиғиш ва умумлаштириш;

инсоннинг ҳаёт давомийлиги ва атроф-муҳит омилларига мослаша олиш имкониятларини таърифловчи маълумотлар устида изланишлар олиб бориш.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ва Қарши шаҳар ҳокимияти биргаликда эълон қилган кўрик-танловда талабалар, аспирантлар, докторантлар, ёш олимлар, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари кафедраларининг ходимлари, журналистлар ҳамда барча хоҳловчилар иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танлов 2006 йилнинг 1 октябрида якунланади. Голиблар «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг дипломлари ва қимматбаҳо совринлари ҳамда ташкилотчиларнинг совғалари билан, лауреатлар эса кўрик-танлов муассислари ва ҳомийларнинг махсус совғалари билан тақдирланадилар.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

НЕ ЗАБЫВАЙТЕ, ЧТО РЯДОМ ДЕТИ

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

Пожалуй, трудно представить такого человека, который бы в жизни ни разу не пользовался лекарственными средствами. Ведь лекарства излечивают нас от многих болезней и недугов. Поэтому различные медицинские препараты порой являются предметом первой необходимости. Но вместе с тем они могут представлять серьезную опасность, особенно для малышей, если не соблюдать меры предосторожности.

ЛЕКАРСТВЕННЫЕ СРЕДСТВА

Лекарства, лежащие в доступном для детей месте, могут стать причиной отравлений и привести к серьезным последствиям, вплоть до гибели ребенка. Прием взрослыми лекарственных средств, особенно таблеток в красивой упаковке, возбуждает детское любопытство и вызывает желание тоже попробовать то «вкусное», что мама или папа только что проглотили. Улучив момент, ребенок может взять лекарство и, открыв пузырек или разорвав упаковку, проглотить привлекшие его «конфетки». Дозировку, понятное дело, он при этом не соблюдает. То же касается микстур, стоящих открыто, порошков, мазей и т.п.

Случается, что взрослый человек, закапывая себе что-то в глаза или уши, невольно провоцирует ребенка на аналогичные действия.

Результатом таких детских «экспериментов» становятся, как правило, сильнейшее отравление, лекарственный гепатит, ожоги слизистых оболочек глаз и полости рта, пищевода и желудка и даже анафилактический шок. При анафилактическом шоке требуется срочная квалифицированная, а иногда и специализированная, врачебная помощь. Меры по спасению в этом случае должны приниматься немедленно, но ребенок, потерявший сознание, как правило, в эти минуты находится в комнате один, а взрослые могут и не подозревать, что в дом пришла беда.

Однако даже когда удается вовремя приступить к оказанию медицинской помощи, возникает затруднение, приводящее к потере драгоценного времени: часто никто из взрослых не может сказать, какое именно лекарство принял ребенок, а эта информация крайне важна для определения конкретных мер медицинской помощи.

Поэтому в каждом доме должно быть железное правило – держать лекарства запертыми на ключ, а во время их приема не позволять детям к ним притрагиваться!

Юрий МИХАЙЛОВ, подполковник в отставке.

ШКОЛЬНОМУ ПРОЦЕССУ – СОВРЕМЕННУЮ ОСНОВУ

В школе № 300 Сергелийского района прошла отчетная годовая родительская конференция по вопросам внедрения и использования информационно-компьютерных технологий в школах. Да, вы не ошиблись, что именно родительское общественное объединение давало отчет о проделанной работе. Решение о создании независимого юридического лица в форме независимой неправительственной организации (ННО) было принято в 2005 году, согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий». И совсем недавно это объединение родителей получило юридический статус.

Общественное родительское объединение поставило перед собой несколько важных задач. Одна из них – непосредственно участвовать в образовательном процессе, помогая администрации и учителям заинтересовать учащихся в обучении.

Во время проведения конференции ее участники, среди которых – представители Министерства народного образования, специалисты в области образования, представители отделов информационно-компьютерных технологий и родители, могли увидеть успехи и достижения школьного ресурсного центра. Сейчас в обучении принимают активное участие ученики шести классов. На 9 компьютерах учителя вместе с учениками разрабатывают медиауроки, таких уроков проведено уже более 350.

Участники конференции были ознакомлены со статистикой, которая свидетельствует о повышении интереса учащихся к общеобразовательному процессу с применением информационно-компьютерных технологий. Следует заметить, что обучение проходит на 2 языках: государственном и русском. Ученики создают сайты, разрабатывают программы, знакомятся с информационно-компьютерными технологиями.

Хотелось бы сказать вот еще о чем. В школьном ресурсном центре подростки получают полезные навыки и знания, развивая творческие способности и где-то даже повышая самооценку. Ребенок учится исследовать, анализировать, экспериментировать, формировать мнение, получает возможность самому принимать решения.

Гости, приглашенные на конференцию, высказали свое восхищение родителям и педагогам в их начинании. По окончании конференции была выражена огромная благодарность и администрации школы.

Эналида ТЯН.

ДОНОР БЎЛИШ ФОЙДАЛИ

Донор қони қуйиш тиббий ёрдам кўрсатиш, бемор ва ярадорларни даволашнинг энг самарадор усулларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Қуролли Кучларимизда ихтиёрий фаолият ҳисобланмиш донорликка ҳарбий хизматчилар соғлиғини сақлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса деб қаралади. Ҳарбий қисм ва муассасаларда бадалсиз донорлик ва қон топширишни ташкил этиш ҳам уруш ва тинчлик шароитида қўшинлар тиббий таъминотининг зарур таркибий қисмидир.

Бугунги кунда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ихтиёрий равишда қон топшириши қонун доирасида, ҳукуматнинг махсус қарорлари, Мудофаа вазирининг тегишли буйруқлари асосида амалга оширилади. Замонавий тиббиёт илми натижалари, машҳур олимларнинг тадқиқотлари, кўп йиллик тажрибаларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкин: оз миқдорда қон йўқотиш биологик томондан хавфсиз, донор организмидаги муайян формадаги элементлар, қизил ва оқ қон таначалари таркибига таъсир қилмайди. Ҳатто, кўп жисмоний ҳаракат талаб этадиган ҳарбий хизматдаги донорлар 200-400 мл. қон топширгандан сўнг ҳам патологик ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Муайян формадаги элементлар таркибидаги озгина фарққа келсак, бу ҳолат нафақат донорлар, балки текшириш учун қон топшираётганларда ҳам учрайди.

Донорларнинг мослашув тизимига сезиларли таъсир аслида қон топширилгандан сўнг 2-3 соат давомида кўзга ташланади. Шу боис, Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига кўра, қон топширгач ҳарбий хизматдаги донорларнинг икки соат дам олиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу буйруққа кўра, донорлар яна қуйидаги имтиёзларга ҳам эга. Яъни, қон топширгач уларга:

1.Қўшимча 3 хил овқат;

2.Офицер ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга 2 кунлик таътил;

3.Қуролли Кучлар хизматчилари ва ишчиларига ҳақ тўланадиган 2 кунлик таътил;

4.4 марта қон топширган муддатли ҳарбий хизмат хизматчиларига эса қисқа муддатли таътил берилади.

Шундай экан, ҳарбий хизматчилар ҳам бемалол донор бўлишлари мумкин. Қолаверса, икки ойдан кам бўлмаган оралиқда 400 мл. гача, йил давомида эса кўпи билан беш марта қон топшириш билан инсон соғлиғига, унинг жанговар қобилиятига (қон олинган куни ва ундан сўнг ҳам) зарар етмайди. Қолаверса, қон топшириш инсон организми учун фойдали ҳисобланади. Яъни:

– қондаги ҳужайралар янгиланади;

– шамоллаш билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфи тубдан камаяди;

– тез-тез қон топшириб турган эркакларда миокард инфаркти бўлиш хавфи 5 баробар, қон босимининг ошиши билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфи эса 2 баробар камайиб, танада умумий ва гормонал модда алмашинуви яхшиланади.

Ҳарбий хизматчи қон топширар экан, госпиталларда даволанаётган сафдоши, хизматдоши, истеъфодаги ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари тезроқ тузалиб, соғайиб кетишига муносиб ҳисса қўшаётганини юракдан ҳис қилиши лозим.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг Қон тайёрлаш маркази учун ихтиёрий равишда (пулсиз) қон топширадиган ҳарбий хизматчилар асосий таянч ҳисобланади. Ўнлаб оғир касалларнинг, жарроҳлик амалиётига муҳтож беморларнинг сафга қайтишини эса донорлик қонисиз тасаввур қилиб бўлмаслиги барчага маълум.

Қон топширишга қарор қилган ҳарбий хизматчи, донор шунга тўла ишонч ҳосил қилиши керакки, Мудофаа вазирлиги қон олиш хизмати фақат бир маротаба ишлатиладиган тизимлар билан иш олиб боради, қон фақат гемокон (махсус идиш)ларда ғамлаб қўйилади, инфекциялардан сақлаш, зарарсизлантириш қоидаларига тўла риоя этилади. Бундан ташқари донорлар ОИТС ва барча турдаги юқумли касалликлар бўйича текширувлардан ҳам ўтказилади.

Шуни афсус билан таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи командирлар бу ишга бепарво қарайдилар ва донорлар сафини оширишга етарли эътибор бермайдилар.

2005 йил якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларидаги ўнлаб, юзлаб ҳарбий хизматчилар шунингдек, ички ва чегара қўшинлари вакиллари ихтиёрий равишда қон топширганликларига бевосита гувоҳ бўламиз. Бу албатта посбонларимизнинг юксак ватанпарварлик туйғуларга эга инсонлар эканлигига яққол мисол бўла олади. Шу ўринда Самарқанд, Чирчиқ олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети курсантлари, кўплаб ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг фаолликларини, фидойиликларини алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди.

Билингки, госпиталларда даволанаётган сафдошларимиз, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, истеъфодаги офицерларнинг тезроқ шифо топишлари учун чин дилдан кўмак бериш, ихтиёрий равишда қон топшириш олижаноблар ишидир.

Тиббий хизмат полковниги Исматулла ҒАЙБУЛЛАЕВ, Мудофаа вазирлиги бош трансфузиологи, Марказий ҳарбий клиник госпитали қон тайёрлаш маркази бошлиғи.

050

СПАСАТЕЛЬ МЧС УЗБЕКИСТАНА

Кто же он, надежный наш спасатель,
Что о нем хотелось бы сказать?!
Нет, он не сторонний наблюдатель,
Для него важней всего – спасать!

Кто про МЧС теперь не знает?
Но спасатель – вовсе не герой –
По призванью людям помогает,
Человек от жизни он – простой.

Любит и народ свой и Отчизну,
Выполняет долг без лишних слов,
Не жалея сил своих и жизни, –
Отвести беду – всегда готов!..

Как стихия к нам ни свирепеет,
Начеку спасатель – тут как тут!
И везде и всюду он успеет,
Где его, быть может, и не ждут.

Хорошо, когда спасатель с нами,
Значит, так тому и быть должно,
Не случайно добрыми делами
МЧС богато и сильно!..

Кто же стать спасателем захочет,
И проявит в этом интерес,
Вот наш адрес, как нельзя короче –
Позвонить нам в кадры МЧС!

Олег МЕЛЬНИК, сотрудник УЧС г.Ташкента.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ВТОРОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА №1

Установки для стрельбы на поражение ненаблюдаемой цели определены в 6-орудийной батарее способом полной подготовки. Вероятность попадания при одном выстреле составляет 0,02. Для поражения цели необходимо получить не менее одного попадания.

Определить расход боеприпасов для поражения цели с вероятностью 0,9.

ЗАДАЧА №2

При привязке КНП батареи определена наклонная дальность Дн = 2600 м и измерен. угол места Мкт = + 2–80 с КНП на контурную точку, высота которой 1720 м. Определить высоту КНП.

ЗАДАЧА №3

Командир дивизиона ГД-30 (18-орудийного состава) получил задачу ослепить огневые средства противника на рубеже:

Правая: Х = 87300, У = 22050, Н = 190 м.

Левая: Х = 87300, У = 21900, Н = 190 м.

Время ослепления 8 мин., ветер от противника.

Определить потребность в орудиях, снарядах, порядок ведения огня и подать команду командиру батареи.

ЗАДАЧА №4

Командиру батареи 122-мм ГД-30 приказано подавить минометную батарею противника, цель 104-я. Снаряд ОФ-462, взрыватель РГМ-2. Дальность топографической цели 7650 м, доворот топографической цели ОН = – 3–40. ПС = 4–30, дальность командира 2700. Огневая позиция слева.

Провести пристрелку и стрельбу на поражение, если в ходе стрельбы получены наблюдения:

1) Л 60;
2) П 25, +;
3) Л8, +;
4) П15, –;
5) преобладание недолетов;
6) цель подавлена.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ПЕРВОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА №1

Вероятность одного попадания равна 0,11 или 11%.

Данный результат означает, что при проведении большого числа стрельб в данных условиях, в среднем в 11 случаях из 100 будет получено не менее одного попадания в цель.

ЗАДАЧА №2

Масштаб карты: 1:50000.

Номенклатура: М – 37 – 77 – А.

ЗАДАЧА №3

Хоп = 75414;

Уоп = 17166.

ЗАДАЧА №4

1) «Терак». Стой. Цель 102-я, наблюдательный пункт. Осколочно-фугасным. Взрыватель осколочный. Заряд третий. Шкала тысячных. Прицел 427. Уровень 30–04. Основное направление, правее 1–45. Ветер сосредоточенный. Основному 1 снаряд. Огонь.

2) Прицел больше 27. Правее 0–26. Огонь.

3) Прицел меньше 9. Левее 0–13. Батарее 2 снаряда, беглым. Огонь.

4) Прицел меньше 5. Правее 0–04. Соединить огонь к основному в 0–01. Огонь.

5) Прицел меньше 3. Левее 0–04. Огонь.

«Марказ». Стой, записать. Цель 102-я, «Марказ» по цели 102-й стрельбу закончил. Расход 26. Я «Марказ».

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Иран приступил к обогащению урана

Вице-президент Ирана Голямрез Агазаде объявил в эфире национального телевидения, что в стране начались работы по обогащению урана. Он в своем выступлении подчеркнул, что речь не идет о промышленном обогащении урана. Масштабы работ пока лишь на исследовательском уровне. Задействован ядерный центр в местечке Натанзе.

Деньги пострадавших украли

Миллионы долларов, выделенных на ликвидацию последствий урагана «Катрина», были разворованы. К такому выводу пришло специальное управление Конгресса. Так, в опубликованных законодателями документах приводятся факты нецелевого использования средств, нарушений финансовой отчетности и махинаций. Официальные обвинения в мошенничестве и воровстве выдвинуты нескольким сотням человек.

Далай-лама обратился к ХАМАС

Духовный лидер буддистов Далай-лама XIV призвал движение ХАМАС отказаться от насилия. Он прибыл с пятидневным визитом в Израиль по приглашению нескольких общественных организаций. «Я хочу воспользоваться этой возможностью и обратиться к движению ХАМАС. С помощью насилия оно не решит, не достигнет того, чего хочет», — заявил Далай-лама. Он собирается посетить палестинский город Вифлеем и не отказывается от возможной встречи с представителями ХАМАС.

Доллар отыгрывает позиции у евро

В Европе курс доллара США поднялся до самого высокого уровня по отношению к евро за последние шесть недель. Такого устойчивого роста доллар не демонстрировал с августа 2000 года. Причиной увеличения спроса на валюту США, возможно, стала утечка информации из правительственных кругов. В январе в американской экономике произошел рост розничной торговли и объемов промышленных заказов. В результате рынок сделал вывод: экономика США преодолевает спад, который наблюдался в четвертом квартале прошлого года.

Безграничный источник энергии

Сингапурские ученые открыли способ получения электроэнергии из пищевых отходов. Эта идея привлекла внимание предпринимателей островного города-государства, и они уже нашли деньги для строительства экспериментального завода. В результате ученые смогли извлечь из мусора «биологический газ», который можно использовать для получения электроэнергии. Это открытие, возможно, первый шаг на пути создания безграничного источника альтернативной энергии.

На рынках обесцениваются металлы

На товарных биржах Европы произошло резкое падение цен на все металлы. Как сообщает ИТАР-ТАСС, на Лондонской металлической бирже цены на цинк упали уже на 7 процентов, на олово — на 5 процентов, медь — на 4 процента. Также зафиксировано крупное падение цен на драгоценные металлы, включая золото, платину, палладий, серебро. Причины нынешнего падения спроса на металлы специалисты пока объяснить не могут.

Ученые ловят космические суперлучи

Японские и американские ученые приступают к работе над крупным исследовательским проектом. Главная его задача — обнаружение космических высокоэнергетических суперлучей. Если их существование подтвердится, то, по мнению исследователей, теория относительности Эйнштейна будет поставлена под сомнение. Любопытно, что исследователи Токийского университета за последние 13 лет 11 раз фиксировали суперлуч, однако физики университета Юта не смогли поймать его ни разу. Чтобы разрешить научный спор и была образована совместная японо-американская группа ученых.

Британцев хотят отучить курить

Палата общин британского парламента поддержала запрет на курение во всех пабах и частных клубах. Предполагается, что закон вступит в силу летом 2007 года. Однако его должна еще одобрить Палата лордов. Во время предвыборной кампании лейбористы предлагали ввести запрет только в тех барах, где продают еду. Однако позже проект изменили.

(По страницам Интернета).

ДОИМИЙ ТЕКШИРУВ ВА КУЧЛИ НАЗОРАТ

Маълумки, 2004 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинган эди. Табиийки, таъминотнинг янги нормаларини яратиш устида таъминот хизмати вакиллари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассислари, гигиена ва овқатланиш институтининг илмий ходимлари изланишлар олиб борди ва натижада, бугунги кундаги умумий кўринишдаги хулосага келинди. Масалан, илгари мавжуд бўлган умумқўшин таъминоти уч минг тўққиз юз қувватни ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич тўрт минг тўрт юз кило калорияга етди. Бу эса аввало гўшт ва балиқ маҳсулотлари, шунингдек, рационга мол ёғлари, сут, шарбат ва мевалар киритилиши ҳисобига амалга оширилди. Ҳарбий хизматчилар озиқ-овқат таъминотининг такомиллаштирилиши диққатга сазовор жиҳат ва Қуролли Кучларимизга бўлган катта ғамхўрлик натижасидир. Шу билан бирга Ватан ҳимоячилари истеъмолига ажратилган маҳсулотлар сифатининг доимий назорат қилиниши каби муҳим ва долзарб масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлигининг Марказий ветеринария лабораторияси бу борада юртимизда етакчи назорат ва текширув маскани саналади.

– Лабораториямизда бактереология, радиология-токсикология, ветеринария санитария экспертизаси каби бўлимлар фаолият олиб бормоқда, – дейди Марказий ветеринария лаборатория бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Баҳодир Усмонов.

– Уларда чорва моллари ва ўсимлик дунёси маҳсулотлари сифатини турли усуллар билан текшириш, у ёки бу маҳсулотнинг истеъмолга яроқлилигини аниқлаш ишлари амалга оширилади. Қисқача айтганда, бизнинг вазифамиз қўшинлар шахсий таркибини инсон ва ҳайвонот дунёси учун умумий бўлган касалликлар билан касалланишининг олдини олишдан иборат.

Шунингдек, ҳарбий қисмларга келаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текшириш, уларнинг омборларда сақланишида зарур нормаларга амал қилиниши ва сақлаш қоидаларининг бузилмаслигини назорат қилиш ҳамда хизмат итлари, ёрдамчи хўжалик моллари аҳволидан хабардор бўлиш, ҳайвонларни сақлаш талабларининг бажарилишини таъминлаш сингари масъулиятли вазифалар айнан юқорида тилга олинган жамоа вакилларининг доимий фаолиятини ташкил этади. Юрт посбонларининг соғлигини сақлаш ишида, албатта, жойларда мавжуд махсус назорат гуруҳларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Дарвоқе, турли гарнизонлардаги соҳа мутахассисларининг билим даражаси, малакасини ошириш, тажриба алмашиш мақсадида ҳар йили бир неча бор ўқув йиғинлари ташкиллаштирилади.

Лабораториянинг асбоб-ускуналари, маҳсулотлар сифатини аниқлашга хизмат қилувчи жиҳозлар, мавжуд шарт-шароитларнинг замон талабларига тўла жавоб бериши ҳар қандай маҳсулотга тиббиёт ходимлари тили билан айтганда, тўғри ва энг муҳими, аниқ ташхис қўйиш имконини беради. Кези келганда, малакали ва тажрибали мутахассислар хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлса керак. Тиббий хизмат подполковниги Баҳодир Усмонов бўлим бошлиғи тиббий хизмат капитани Ғофур Жониқулов, шифокорлар – Гулжаҳон Бердиёрова, Роҳила Юсупова, Ҳанифа Султонова, лаборантлар Фотима Саматова, Гулнора Исмоиловалар фаолиятини, уларнинг ўз иши, вазифасига сидқидилдан ёндашувини ғурур билан тилга олиб ўтди.

Ҳарбий хизматчилар соғлиғи, уларнинг фақат юқори сифатли озиқ-овқатларни истеъмол қилиши йўлида доим жон куйдирувчи, жуда синчков ва эҳтиёткор Марказий ветеринария лаборатория ходимларига мураккаб ва юксак жавобгарлик туйғусини ҳис этган ҳолда хизмат қилишни талаб этувчи фаолиятларида омадлар тилаб қоламиз.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

За строкой Поздравления Президента

НОВЫЕ ПУНКТЫ СЕРВИСНЫХ УСЛУГ

В Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова есть и такие строки: **«Важнейшим условием всех вышеуказанных задач должно стать постоянное внимание государства и общества, командования Вооруженных Сил вопросам последовательного и системного улучшения социально-бытового положения военнослужащих, улучшения их жилищных условий и повышения оплаты труда и довольствия».**

В рамках реализации этих установок в Министерстве обороны проводится работа по организации пунктов проката товаров народного потребления в системе военной торговли. Приказом Министра обороны утверждено и введено в действие Положение, на основе которого предпринимаются очередные меры по созданию для военнослужащих достойных условий прохождения воинской службы и проживания.

С комментариями начавшейся работы по просьбе редакции выступает главный специалист Управления военной торговли Министерства обороны Магомед ГАГУЕВ.

– Нам поставлена задача: открыть в каждом гарнизоне пункты проката бытовых товаров, – рассказывает Магомед Магомедович. – Целью их создания является помощь в обеспечении, в особенности молодых офицеров и военнослужащих по контракту, в первую очередь такими товарами первой необходимости, как холодильники, телевизоры, стиральные машины на условиях проката. В нынешнее рыночное время, когда молодая семья не всегда имеет возможность сразу приобрести данные товары, получение их в прокат станет неплохим подспорьем для семейного бюджета.

– Если уж так сразу делается акцент на молодых семьях, то логично предположить участие в данной инициативе Министерства обороны и Общественного движения молодежи Узбекистана «Камолот»?

– Совершенно верно, на приобретение названных товаров выделены средства и Министерством обороны, и Общественным движением молодежи «Камолот». Таким образом, эта общественная организация принимает реальное участие в решении поставленных Президентом задач.

– Нельзя ли рассказать подробнее об условиях предстоящего получения товаров в открывающихся пунктах проката системы военной торговли?

– Каждый военнослужащий, пожелавший получить товар в прокат, заключит договор с арендодателем, где будут обговорены права и обязанности сторон. Основанием для такого договора станет поручение-обязательство от воинской части. Обязательным условием является бережное отношение к взятому в прокат имуществу, ведь в случае порчи или поломок придется его восстанавливать.

– Как продвигается работа по созданию пунктов проката, что сделано?

– Эта работа распределена на три этапа. На первом этапе товары в течение первого и второго кварталов этого года будут направлены в самые отдаленные гарнизоны, на втором этапе в третьем квартале обеспечим уже тех, кто поближе, а на третьем этапе в последнем квартале года поступление дойдет и до столицы. Как видите, начинаем с периферии, потому что в столичном регионе есть и другие сервисные центры.

Уже закуплены телевизоры марки «Фотон», готовимся к закупке стиральных машин и холодильников, ведем переговоры с «Узбексавдо», товарно-сырьевой биржей.

– Пока речь идет только о трех наименованиях, намечается ли в дальнейшем расширять ассортимент услуг пунктов проката военной торговли?

– Помимо телевизоров, холодильников, стиральных машин, в будущем планируется предоставлять в прокат и мягкую мебель (диваны, кресла). Позже будут у нас и комплекты гостиных (столы, стулья), спальные гарнитуры, кухонные гарнитуры. На самом развитом этапе прокатного сервиса будут выдаваться также детские коляски, ковры, пылесосы, кондиционеры, микроволновые печи, утюги, детские кровати, швейные машины.

– Как планируется вести работу по воспитанию у потребителей бережного отношения к полученному в прокат имуществу и обеспечению его сохранности?

– Намечается проводить опросы личного состава путем анкетирования с целью выявления недостатков и совершенствования работы пунктов проката. При этих опросах будут учтены запросы потребителей и претензии арендодателей, урегулированы возникающие спорные вопросы. Нет сомнений, что основная масса наших военнослужащих, характеризующихся высокой воинской дисциплиной и в вопросах сбережения взятого в прокат имущества, проявят самые лучшие свои качества.

– И, наконец, когда предполагается начать выдачу товаров в прокат?

– По нашим расчетам, уже в начале марта этого года у нас будут заключены первые договоры на прокат.

Вел беседу майор Аблай АЙНАТДИНОВ. Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.

Ёруғ юз билан

ҲАЁТ МАКТАБИДА ТОБЛАНИБ

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, айни пайтда армиянинг нуфузи кундан-кунга ортиб, тобора фахр-ифтихор касб этиб бормоқда. Биргина муддатли ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларнинг ўзиёқ профессионаллик йўлида шаклланаётган миллий армиямиз мавқеи, тутган ўрни қай даражада юксаклигидан далолатдир. Масалан, йигитлар ҳарбий хизматга йўл олаётганда ва резервга бўшатилаётганда байрамона тарзда кузатилиши, шунингдек, кутиб олиш ҳам тантана билан амалга оширилиши, бу асосда тегишли низом ишлаб чиқилиб, давлат эътибори даражасига айлангани миллий менталитетимизга асосланган урф-одатларимизга ғоят мосдир. Агарда Ватан ҳимоячиси ҳарбий хизмат мобайнида ҳар томонлама ўзини кўрсатиб, Тавсиянома олишга сазовор топилган бўлса, Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги қарорига биноан олий ўқув юртига кираётганида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади. Мабодо давлат гранти асосида ўқишга тўпланган баллари етмайдиган бўлса, у ҳолда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан бўлган собиқ аскар йигитларга тўлов контрактнинг 35 фоизи мазкур ҳаракат томонидан тўланади. Ишламоқчи бўлганларга квоталанган иш ўринлари бор. Ҳунар ўрганишни хоҳлаганлар учун эса устозлар бириктирилиб, маълум муддат давомида у бирор касбга ўргатилади. Шу билан бирга, ўша давр мобайнида ҳунар ўрганувчига стипендия, устозига эса бунинг учун тегишли иш ҳақи белгиланади. Аскардан ҳарбий хизмат мобайнида талаб қилинадиган асосий жиҳат – ижтимоий-сиёсий, жанговар ва бошқа тайёргарлик машғулотларида доимо фаол, аълочи бўлишдир. Бу билан у ҳам давлатимизга фойда келтиради, ҳам ўз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Албатта, бугунги кунда ҳар томонлама саралаб, тегишли танловлар асосида хизматга қабул қилинаётган ўғлонларимиз сафида юқоридагидек ижобий сифатларни ўзида жамлаган ғайрат-шижоатли мардлар жуда кўплаб топилади. Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги армиянинг кечагисидан фарқи жуда катта. Муддатли ҳарбий хизматга эндиликда ёшларимиз худди билим масканига ўқишга киришга тайёрлангандек ҳозирлик кўришяпти. Ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлган ўғлонлар армия хизматига келажакни ҳам кўзлаб, қатъий мақсадлар билан чоғланишмоқда. Муддатли хизматни аъло даражада ўтаб, уйларига ёруғ юз билан қайтган Ҳамид Атаёров, Акмал Маҳмудов ва Ғуломжон Исмоиловлар ана шундай кўпчилик тенгдошлари ҳавас қиладиган шижоатли ўғлонлардан. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидан бўлган бу лочинлар ўз иқтидори, аъло хизматлари ва жанговар постларда доимий юксак ҳушёрликлари учун қисм қўмондонлиги томонидан Тавсияномага муносиб топилган. Эндиликда йигитлар катта ҳаёт остонасида ўз келажакларини белгилаб, турли соҳаларда фаолият кўрсатишни кўзлашмоқда. Келинг, яхшиси бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитайлик.

Ҳамид АТАЁРОВ: – Мен муддатли ҳарбий хизматни Сурхондарё вилоятида, чегара қўшинлари сафида ўтадим. Армия менга жуда кўп нарсани ўргатди. Қатъият, шижоат, фидойилик, ўзимга ишонч туйғуларини айнан хизмат туфайли кашф этдим, десам ёлғон бўлмас. Айниқса, хизматдан Тавсиянома билан қайтишим ота-онамни қанчалар хурсанд қилганини айтмайсизми! Менга ҳавас қилиб тенгдошларим, ука ва жиянларим ҳам аскар бўлишга қизиқиб қолишган. Эндиликда Самарқанд давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирмоқчиман. Ўйлайманки, ҳарбийликда ўрганганларим бунда жуда ҳам асқотади. Қолаверса, Тавсияномам борлигидан янаям хурсандман.

Акмал МАҲМУДОВ: – Кинолог вазифасида хизматимни адо этдим. Армия ҳаёти менга жуда ёқди. Бевосита, шу соҳага яқин оилада тарбия топганим учунми, тартиб-интизом, бурчга садоқат, топшириқнинг муҳимлиги, масъулият ҳисси каби жиҳатлар жанговар ҳаётда менга куч бағишларди. Таъбир жоиз бўлса, хизматда пишиб-тобландим, тарбия олдим. Қисмимиз командири подполковник Баҳром Юсупов қўл остидагиларга ғамхўр ва талабчан сардор бўлиб, у кишидан ўрганганларим, олган сабоқларим учун чуқур миннатдорчилик билдираман. Бундан буён ота касбини давом эттириш, яъни ички ишлар соҳасига хизматга кириб, кейин ўқиш ниятим бор. Хуллас, яна юрт хизматига бел боғламоқчиман.

Ғуломжон ИСМОИЛОВ: – Ҳайдовчи вазифасида хизмат қилганман. Жанговар ҳаётда эришган муваффақиятларим, орттирган ютуқларимдан бир умр хурсанд бўлиб, доим фахр-ифтихор ҳиссини туйиб юрсам керак. Хизмат жойимдан уйимизга миннатдорчилик мактуби келганда, пенсионер отам Ёвқоч Исмоилов ва онажоним Фотима аянинг кўнгиллари яшнаб кетганини, фахрланиб қўни-қўшниларга билдиришганини ука-жиянларим хат ёзиб маълум қилишганди. Хизматдан таътилга ҳам келиб кетганман. Мен билан қариндошларим ҳам фахрланишаётганини, ҳавасманд ёшларнинг кўпаяётганини кўриб, аскар бўлганимдан янаям фахрланаман. Бу нарса менга куч-қувват, қанот бағишлади. Янги-янги ютуқларга ундовчи далда бўлди. Командирларим майор Владимир Пачков, катта лейтенант Анвар Парпиев, кичик сержант Раҳим Муҳаммадиевлардан олган билимларим, жанговар санъат сирларини пухта эгаллаганим туфайли Тавсияномага сазовор бўлдим. Аслида менда ҳарбийликка акамга ҳавас қилиб қизиқиш уйғонган. Акам Зафар Исмоилов шартнома асосида хизмат қилади. Мен ҳам шартнома бўйича хизматга кирмоқчиман ва келажакда албатта, офицер бўлиш мақсадим.

– Бу йигитлар туманимизнинг энг намунали, сара ўғлонларидан. Улар биринчилардан бўлиб барча кўрик-танловлардан муваффақиятли ўтиб, хизматга юборилган эди, – дейди Пастдарғом тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Баҳодир Аҳмедов. – Мана, хизматни аъло даражада якунлаб, ҳақиқий эр йигитлардек ғурур билан қайтишди. Булардан ота-онаси ҳам, маҳалла ҳам, биз ҳам хурсандмиз. Умуман, туманимиз йигитларининг ортда қолган мавсумда жуда кўпчилиги уйига хизматдан Тавсиянома билан қайтишди. Яъни кўрсаткич чамаси 50 %ни ташкил этди. Бундайларга ҳавас қилиб, хизматга боришни истайдиганлар сафи янаям ортмоқда. Демак, кўринадики, армиянинг нуфузи ортиб, мавқеи тобора юксалянти. Айни пайтда муддатли хизматда ўз йигитлик бурчларини адо этаётган Чингиз Юнусов, Отабек Абруев, Жамшид Ихтиёровларнинг ҳам ана шундай катта ҳурмат-эътибор билан қайтишларига ишонаман. Чунки улар энг олдинги сафларда туришга муносиб асл шунқорлар бўлиб, иккитаси олий маълумотли, бири ўрта-махсус касб-ҳунар коллежини намунали тамомлаган. Чунончи, аскар қабул қилиб олиб кетишга келган ҳарбий қисм вакиллари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтини тугатган спорт усталигига номзод Чингиз Юнусовга талашишганди, ҳатто. Бундан ташқари шартнома асосидаги ҳарбий хизматга киришни хоҳлайдиганлар сафи ҳам борган сари ортмоқда. Ҳарбий хизматнинг остонаси бўлган мудофаа ишлари бўлимида мазкур хизматга киришни истаганларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказамиз. Бугунги кунда ҳарбийларимизнинг жисмонан ва жанговар тайёрликлар билан бир қаторда интеллектуал қобилияти ҳам юқори бўлишига алоҳида эътибор берилаётгани учун улардан кўпгина назарий билимлар, дунё ва минтақа ҳаётидаги муҳим воқеалар, шунингдек, республикамизда фаолият юритаётган ягона ҳарбий нашр – Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи ҳақида алоҳида сўралади. Қувонарлиси, назарда тутаётганим «Ватанпарвар» кенг жамоатчилик орасида тобора кенг тарқалянти. Газетанинг сифати ва мазмун-мундарижаси бутунлай ўзгариб, янгиланганидан хурсандмиз. Туманимизда унга обуна бўлишга қизиқаётганлар кўпаймоқда.

